

**«МАҲАЛЛА ВА ОИЛА» ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.21/30.10.2020.
Ped/S.127.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР
МАРТАЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ХАЛИМОВА МАШРАБОЙ ВАХИДОВНА

**ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИДА ШАХСЛАРАРО
МУНОСАБАТЛАРГА ОИД МАСЪУЛИЯТНИ ОШИРИШНИНГ
ИЖТИМОЙ-ПСИХОЛОГИК ДЕТЕРМИНАНТЛАРИ**

19.00.05 – Ижтимоий психология. Этнопсихология

**психология фанлари доктори (DSc) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Андижон – 2022

**Психология фанлари доктори (DSc) диссертацияси
авторреферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора
психологических наук (DSc)**

**Contents of Dissertation Abstract of the Doctor
of Psychological Sciences (DSc)**

Халимова Машрабой Вахидовна

Тадбиркорлик фаолиятида шахслараро муносабатларга оид
масъулиятни оширишнинг ижтимоий-психологик детерминантлари 3

Халимова Машрабой Вахидовна

Социально-психологические детерминанты повышения ответственности
межличностных отношений в предпринимательской деятельности 35

Khalimova Mashraboy Vakhidovna

Socio-psychological determinants of increasing the responsibility of
interpersonal relations in entrepreneurial activities 67

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 72

**«МАҲАЛЛА ВА ОИЛА» ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.21/30.10.2020.
Ped/S.127.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР
МАРТАЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ХАЛИМОВА МАШРАБОЙ ВАХИДОВНА

**ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИДА ШАХСЛАРАРО
МУНОСАБАТЛАРГА ОИД МАСЪУЛИЯТНИ ОШИРИШНИНГ
ИЖТИМОЙ-ПСИХОЛОГИК ДЕТЕРМИНАНТЛАРИ**

19.00.05 – Ижтимоий психология. Этнопсихология.

**психология фанлари доктори (DSc) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Андижон – 2022

Психология фанлари доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2022.2.DSc/P32-рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Андижон давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.psi-ik.uz) ва «Ziynet» Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

Сафаев Нуриддин Салихович

психология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Умаров Бахриддин Менгбоевич

психология фанлари доктори, профессор

Абдурасулов Рустам Абдураимович

психология фанлари доктори, доцент

Умаров Илхом Юлдашевич

иқтисодиёт фанлари доктори, доцент

Етакчи ташкилот:

Қарши давлат университети

Диссертация ҳимояси «Маҳалла ва оила» илмий-тадқиқот институти ҳузурида PhD.21/30.10.2020.Ped/S.127.01 рақамли Илмий кенгаш асосида бир мартали илмий кенгашнинг 2022 йил «__» _____соат ____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, Миробод тумани тумани, Истикбол кўчаси 15-уй. Тел.: (71) 203-01-21 факс: (71) 267-03-92; e-mail: mvaointi@exat.uz, mvaointi@gmail.com).

Диссертация билан «Маҳалла ва оила» илмий-тадқиқот институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (____ рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Истикбол кўчаси 15-уй. Тел.: (71) 203-01-11, факс: (71) 267-03-92).

Диссертация автореферати 2022 йил «__» _____ куни тарқатилди.

(2022 йил «__» _____ даги _____ - рақамли реестр баённомаси).

Н.М. Эгамбердиева

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш асосидаги бир мартали илмий кенгаш раиси, педагогика фанлари доктори, профессор

Х.У. Абдусаматов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш асосидаги бир мартали илмий кенгаш котиби, психология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

О.Э. Ҳайитов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш асосидаги бир мартали илмий кенгаш қошидаги бир мартали илмий семинар раиси, психология фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш, тадбиркорликда шахс ресурсларидан тўғри фойдаланиш, тадбиркорнинг шахсий ва касбий компетенцияларини шакллантириш ҳамда тадбиркорларда масъулият ҳисини оширишга йўналтирилган ижтимоий-психологик механизмлар такомиллаштирилмоқда. БМТ нинг «Барқарор ривожланиш дастури»да «иктисодий ривожланиш ва инсон фаровонлигини қўллаб-қувватлаш учун инфратузилмани ошириш ва такомиллаштириш, шунингдек, инклюзив ва барқарор саноатлаштиришни ривожлантириш ҳамда тадбиркорлик фаолиятида тадқиқотлар, замонавий технологиялар ва инновацияларни кўпайтириш»¹ асосий мақсад қилиб олинган. Бу борада тадбиркорлик фаолиятида шахсга оид психологик детерминантларни ўрганиш, инқирозли ҳолатларда депрессияни олдини олиш, тадбиркорликни барқарорлигини сақлаб қолиш учун шахсда ташқи таъсирларга қарши психологик ҳимоя механизмларини шакллантириш долзарб муаммолардан бўлиб қолмоқда.

Жаҳонда амалга оширилаётган илмий тадқиқотларда тадбиркорлик фаолиятида шахснинг психологик хусусиятлари, шахслараро муносабатларда мулоқот адресати коммуникативлиги, хулқ-атвори ва тадбиркорликка оид билимлари бўйича илмий изланишларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада, тадбиркорлик фаолиятида шахслараро муносабатдаги мулоқот адресати, тадбиркор ва истеъмолчиларнинг ўзаро муносабатларидаги хулқ-атвори ва кадриятлари билан боғлиқ муаммоларни диагностика қилиш ва коррекциялаш, тадбиркорлик малакаларини шакллантириш, тадбиркорликда индивидуал ҳаракатларни оптимал комбинациясини шакллантириш, бизнес ғояларни изчиллиги, тадбиркорликка мослашиш ва шахслараро муносабатларда масъулиятни оширишнинг ижтимоий-психологик нуқтаи-назардан ўрганиш долзарб муаммо бўлиб қолмоқда.

Республикамызда сўнгги йилларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, аҳолини тадбиркорлик фаолиятига янада кенг жалб қилиш ва хусусий меҳнат фаолиятини амалга ошириш бўйича меъёр-ҳуқуқий асослари яратилган. «Аҳолини тадбиркорликка жалб қилиш тизимини такомиллаштириш, ёшлар ва хотин-қизларни тадбиркорликка кенг жалб қилиш, аҳолида тадбиркорлик соҳасида зарурий кўникмаларни шакллантиришга қаратилган ўқитиш тизимини жорий этиш»² асосий вазифа этиб белгиланган. Бу борада тадбиркорнинг иқтисодий, сиёсий ва ҳуқуқий ва шахслараро муносабатлардаги масъулиятини тартибга солиш бўйича илмий тадқиқотларни чуқурлаштириш ва янгича назарий ечимларни яратиш муҳим ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022-йил 28-январдаги

¹ <https://www.peace-ed-campaign.org/>

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020-йил 13-октябрдаги ПҚ–4862-сон «Аҳолини тадбиркорликка жалб қилиш тизимини такомиллаштириш ва тадбиркорликни ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори.

«2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги ПФ-60-сон, 2021-йил 20-апрелдаги «Ёшларнинг тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва бандлигига кўмаклашиш, уларни ижтимоий ҳимоя қилиш ҳамда бўш вақтини мазмунли ташкил этишга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-6208-сон Фармонлари, 2021-йил 21-апрелдаги «Ёшлар саноат ва тадбиркорлик зоналари фаолиятини ташкил этиш ҳамда ёшларнинг тадбиркорликка оид ташаббусларини қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-5088-сон, 2020-йил 13-октябрдаги «Аҳолини тадбиркорликка жалб қилиш тизимини такомиллаштириш ва тадбиркорликни ривожлантиришга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-4862-сон, 2020-йил 8-июндаги «Тадбиркорлик фаолияти ва ўзини ўзи банд қилишни давлат томонидан тартибга солишни соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4742-сон Қарорлари ҳамда фаолиятга оид бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган кенг қўламли, стратегик чора-тадбирларни амалга оширишда мазкур диссертацион тадқиқот муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи³. Тадбиркорлик субъектлари фаолиятида шахслараро муносабатларни тўғри шакллантиришга, замонавий тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришга йўналтирилган илмий тадқиқотлар дунёнинг қуйидаги етакчи таълим ташкилотлари ва илмий марказларида, жумладан: Хулқ-атвор иқтисодиёти ва иқтисодий психологияни ривожлантириш халқаро конфедерацияси (Исроил); Иқтисодий психологияни тадқиқ қилиш халқаро ассоциацияси (Буюк Британия); АҚШ Президенти ҳузуридаги кичик бизнес маъмурияти (АҚШ); Кичик бизнес ва тадбиркорлик агентлиги (Япония); Тадбиркорликни ривожлантириш бўйича Миллий кенгаш (Венгрия); Европа хунармандчилик, савдо, кичик ва ўрта корхоналар стандартлаштириш бюроси (Бельгия); Европа меҳнат ва ташкилий психология ассоциацияси (Нидерландия) ларда олиб борилмоқда.

Жаҳонда тадбиркорлик субъектлари фаолиятида шахслараро муносабатларни такомиллаштириш бўйича олиб борилган тадқиқотлар

³ Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар Исроилдаги «International Confederation for the Advancement of Behavioral Economics and Economic Psychology» (<http://www.iarep.org/ICABEEP.htm>), Буюк Британиядаги «International Association for Research in Economic Psychology» (<https://www.iarep.org>), АҚШдаги «Small Business Administration» (<https://www.sba.gov/search?q=psychology>), Япониядаги «Small and Medium Enterprise Agency» (https://www.chusho.meti.go.jp/sme_english/index.html), Венгриядаги «National Council for Sustainable Development» (<https://www.nfft.hu>), Бельгиядаги «European Office of Crafts, Trades and Small and Medium-sized Enterprises for Standardisation» (https://ec.europa.eu/growth/smes_en), Нидерландиядаги «European Association of Work and Organizational Psychology» (<http://www.eawop.org>) каби жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва ихтисослаштирилган давлат органларида олиб борилган ҳамда диссертация мавзусига доир ишланмалар яратилган.

асосида қуйидаги натижалар олинган; ишлаб чиқарувчи ва истеъмолчилар хулқ-атворининг баҳоловчи психодиагностик методлар яратилган (ICABEEP, Исроил); турли даражадаги иқтисодий-психологик ҳодисаларда шахслараро муносабатлар аҳамиятини белгиловчи имитацион моделлар ишлаб чиқилган (IAREP, Буюк Британия); пандемия шароитида тадбиркорлик субъектлари, ишлаб чиқарувчилар билан истеъмолчилар ўртасидаги муносабатларнинг ҳуқуқий асослари тизимлаштирилган (SBA, АҚШ); хулқ-атвор ва кадриятлар билан боғлиқ муносабатларидаги низоларни коррекцияловчи психодиагностик методикалар тизими такомиллаштирилган (SMEA, Япония); тадбиркорлик фаолиятида шахслараро муносабатлар масъулиятини оширишнинг ижтимоий-психологик детерминантларини асослаб берувчи концепция ишлаб чиқилган (NCSD, Венгрия); ҳунармандчилик, савдо, кичик ва ўрта корхоналарда фаолият кўрсатаётган тадбиркорларнинг касбий лавозим малака талаблари ва миллий малакалар такомиллаштирилган (SMEs and standardisation in Europe, Бельгия); замонавий тадбиркор шахсига хос компетенциялар модели меҳнат функциялари ва бозор иштирокчилари хулқ-атвор стандартлари асосида яратилган (EAWOP, Нидерландия).

Жаҳонда тадбиркорлик фаолиятида шахслараро муносабатлар масъулиятини ошириш бўйича қуйидаги йўналишларда илмий изланишлар олиб борилмоқда: тадбиркорлик шахсига оид масъулиятни ошириш ва шахслараро муносабатларни ривожлантириш; тадбиркорнинг инновацион бошқарув қобилиятини такомиллаштиришнинг психологик механизмларини жорий этиш; рақамли технологиялар асосида тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш ва унинг сифатини баҳолаш мониторингини такомиллаштириш; миллий ва халқаро бозорларда тадбиркорлик субъектлари репутациясини шакллантиришнинг ташкилий, иқтисодий ва психологик механизмларни жорий этиш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Тадбиркорлик фаолиятини самарали йўлга қўйиш, тадбиркорликда инсон ресурсларидан унумли фойдаланиш ҳамда шахс омилини ўрнини аниқлаш бўйича хорижлик ва мамлакатимиз олимлари томонидан кўплаб тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Ўзбекистонда тадбиркорлик фаолияти мотивацияси, тадбиркор ўзбек аёллари портрети, бозор иқтисодиётига хотин-қизларнинг мослашуви, касаначи аёллар психология, ёшлардаги тадбиркорлик мотивацияси, шахснинг рекламага муносабати, шахснинг иқтисодий муносабатлар тизими ва сотувчи-харидор диадаси муносабатлари бўйича Ш.Р.Баротов, А.У.Елмуротова, В.М.Каримова, Л.И.Каримова, Г.О.Очилова, Д.Х.Сафаров, Ш.М.Улуғова, Н.Ш.Умарова, О.Э.Ҳайитов, Ш.С.Шойимова, П.С.Эргашев⁴

⁴ Каримова В.М. Ижтимоий психология: Дарслик. – Тошкент: «Иқтисодиёт», 2012. – 196 б. Баротов Ш.Р. Психологик хизмат. Магистрлар учун дарслик. – Тошкент: Наврўз нашриёти, 2018. – 346 б. Эргашев П.С. Симметрия ҳисси феноменологик таҳлили, диагностикаси ва коррекцияси: Психол. фан. д-ри (DSc)... дис. автореферати: 19.00.01. – Тошкент: ЎзМУ, 2018. – 63 б. Ҳайитов О.Э. Тадбиркорлик фаолияти мотивациясининг ижтимоий-психологик хусусиятлари: Психол. фан. ном. ... дис.: 19.00.05. – Тошкент: ТошДИУ, 2005. – 146 б. Шойимова Ш.С. Тадбиркор ўзбек аёллари шахсининг ижтимоий-психологик хусусиятлари: Психол. фан. номзоди дис.: 19.00.05. – Тошкент: ЎзМУ, 2009. – 144 б. Улуғова Ш.М. Бозор иқтисодиёти шароитида хотин-қизлар ижтимоий-психологик мослашувининг ўзига хослиги: Психол. фан. ном. ... дис.: 19.00.05. – Бухоро: БухДУ, 2011. – 138 б. (Иловалар: Б. 139–170.) [Электрон ресурс]. Кириш тартиби: URL: <http://diss.natlib.uz/ru-RU/ResearchWork/OnlineView/36068> Елмуротова А.У. Касаначилик билан шуғулланувчи аёлларнинг ўзига хос психологик хусусиятлари: Психол. фан. бўйича фалс. д-ри (PhD)... дис.: 19.00.05. – Тошкент: ТошДПУ, 2018. – 140 б. [Электрон ресурс]. Кириш тартиби: URL: <http://diss.natlib.uz/ru-RU/ResearchWork/OnlineView/43247> Очилова Г.О. Ёшлардаги тадбиркорлик мотивациясига онлавий бизнес таъсирининг гендер хусусиятлари: Психол. фан. бўйича фалс. д-ри

лар томонидан илмий изланишлар олиб борилган. Тахлиллар кўрсатадики, тадбиркорлик фаолиятида шахслараро муносабатларда масъулиятни оширишга оид шахс детерминантлари муаммо сифатида ўрганилмаган.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари олимларидан И.Г.Акперов, Г.Л.Бардиер, А.Л.Журавлев, Е.К.Завьялова, Ж.В.Масликова, В.П.Позняков, С.Т.Посохова, Т.Ф. Сулова, И.В.Троицкая, Е.Б.Филинкова, С.В.Фролова, А.В.Хашенко, З.Г.Ханова, Ю.В.Щербатых⁵ ларнинг илмий ишларида тадбиркорлик фаолиятида шахслараро муносабатлар ҳамда ундаги масъулият масалаларининг ижтимоий-психологик жиҳатлари тадқиқ қилинган.

Хориж олимларидан R.Cantillon, J.A.Schumpeter, T.V.Veblen ва бошқалар томонидан тадбиркор шахс хусусиятлари, тадбиркорлик фаолиятида шахсни идрок этиш жараёнлари ва шахслараро муносабатларни таъсир этиш воситалари тадқиқ этилган бўлсада, тадбиркорликда шахсга оид масъулиятни ошириш бўйича тадқиқотлар олиб борилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Андижон давлат университети илмий тадқиқот ишлар режасининг ЁА-2-2 рақамли «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш ҳамда ривожлантиришда микрокредит ташкилотларининг тутган ўрни ва аҳамияти (хукуқий ислохотлар тажрибаси: муаммо ва ечимлар)» (2016–2017 йй.) мавзусидаги лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади тадбиркорлик фаолиятини муваффақиятли йўлга қўйишда хизмат қиладиган шарт-шароитлар, сабаб ва омилларни маҳаллий муҳитдаги устуворлигини аниқлаш ва тадбиркор масъулиятини оширишнинг ижтимоий-психологик механизмларини такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

(PhD)... дис.: 19.00.05. – Тошкент: ТошДИУ, 2020. – 140 б. Каримова Л.И. Социально-психологические и этнопсихологические особенности социальных представлений и установок личности по отношению к рекламе: Дис. ... канд. психол. наук: 19.00.05. – Ташкент: НУУз, 2003. – 145 с. (Приложения: С. 146–152.) [Электронный ресурс]. URL: <http://diss.natlib.uz/ru-RU/ResearchWork/OnlineView/30139>. Умарова Н.Ш. Шахс иқтисодий ижтимоийлашувига таъсир этувчи ижтимоий-психологик омиллар: Психол. фан. бўйича фалс. д-ри (PhD)... дис.: 19.00.05. – Тошкент: ТошДИУ, 2019. – 146 б. (Иловалар: Б. 147–166.) [Электрон ресурс]. Кириш тартиби: URL: <http://diss.natlib.uz/ru-RU/ResearchWork/OnlineView/48561>. Сафаров Д.Х. Согувчи ва харидор муносабатларини такомиллаштиришнинг ижтимоий-психологик механизмлари: Психол. фан. бўйича фалс. д-ри (PhD)... дис.: 19.00.05. – Навоий: НавДПИ, 2021. – 120 б. (Иловалар: Б. 141–169.)

⁵ Фролова С.В. Социально-психологическая концепция приверженности личности стране: автореферат дисс. ... доктора психол. наук: 19.00.05. – Саратов: ФГБОУ ВО «Саратовский национальный исследовательский государственный университет имени Н.Г. Чернышевского», 2020. – 51 с. Хашенко В.А. Психология экономического благополучия. – Москва: Изд-во «Институт психологии РАН», 2012. – 426 с. Ханова З.Г. Психология личности успешного предпринимателя. Монография / З.Г. Ханова. – Москва: Спутник, 2009. – 236 с. Журавлев А.Л., Позняков В.П. Социальная психология российского предпринимательства: концепция психологических отношений / Отв. ред. А.Л. Журавлев, Е.А. Сергиенко. – Москва: Изд-во «Институт психологии РАН», 2012. – 480 с. Акперов, И.Г. Психология бизнеса и предпринимательства: учебное пособие / И.Г. Акперов, Ж.В. Масликова. – Москва: Професионал, 2005. – 392 с. Завьялова, Е.К. Психология предпринимательства: учебное пособие / Е.К. Завьялова, С.Т. Посохова. – Санкт-Петербург: СПбГУ, 2004. 211 с. Щербатых, Ю.В. Психология предпринимательства и бизнеса: учебное пособие / Ю.В. Щербатых. – СПб.: Питер, 2008. – 304 с. Бардиер, Г.Л. Бизнес-психология / Г.Л. Бардиер. – Москва: Генезис, 2002. – 412 с. Троицкая И.В. Психология предпринимательской деятельности и основы экономической психологии: курс лекций / И.В. Троицкая. – Санкт-Петербург: СПбГАСУ, 2010. – 176 с. Филинкова Е.Б. Социально-психологические характеристики предпринимателей с разным уровнем удовлетворенности предпринимательской деятельностью: автореферат дисс. ... канд. психол. наук: 19.00.05. – Москва: 2001. – 166 с. Сулова, Т.Ф. Личностные детерминанты совмещения профессиональных и семейных ролей женщинами-предпринимателями: автореферат дисс. ... канд. психол. наук: 19.00.05. – Москва: 1999. – 156 с. Маркс К.Х. Капитал. Критика политической экономии. Том первый. Книга I. Процесс производства капитала / Пер. И.И. Степанова-Скворцова, проверенный и исправленный. – Ленинград: Государственное издательство политической литературы, 1952. – 794 с. Веблен Т.Б. Теория праздного класса: экономическое исследование институций. / Пер. с англ. Софья Сорокина. – Москва: Прогресс, 1984. – 368с.

тадбиркорлик фаолиятида шахслараро муносабатларга оид масъулиятни оширишнинг ижтимоий-психологик механизмларини аниқлаш;

тадбиркорлар фаолияти самарадорлигини оширишнинг СМАРТ стратегияси, эҳтиёж ва имконият ўртасидаги тафовутлар прогнози ҳамда уларга таъсир кўрсатувчи ижтимоий-психологик детерминант омилларини аниқлаш;

тадбиркордаги шахслараро муносабатлардаги шахснинг асосий детерминантларини тоифалаштириш;

тадбиркор масъулиятининг кластерланган ўзига хос жиҳатлари асосида оила, маҳалла ва бошқа ижтимоий-иқтисодий субъектлар учун манфаатли бўлган мулоқот моделини яратиш;

тадбиркорлик фаолиятида шахслараро муносабатларга оид масъулиятни оширишнинг ижтимоий-психологик детерминантларини аниқлашнинг ижтимоий-психологик технологияларини оптималлаштиришга оид амалий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Андижон (305 нафар), Фарғона (210 нафар) ва Наманган (323 нафар) вилоятлари аҳолиси орасида тадбиркорликни йўлга қўйган, ўзини ўзи банд қилиш билан машғул, тадбиркор (жисмоний шахс) сифатида фаолият кўрсатаётганлар тоифасига мансуб жами 838 нафар респондент танлаб олинди.

Тадқиқотнинг предметини тадбиркорлик фаолиятида шахслараро муносабатларга оид масъулиятни миллий, умуминсоний ва диний кадриятлар негизида оширишга йўналтирилган ижтимоий-психологик қонуниятлар ва механизмлар ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда суҳбат, интервью, контент-таҳлил, «Тадбиркорлик фаолиятида шахслараро муносабатларга таъсир кўрсатувчи асосий детерминантларни аниқлаш» сўровномаси (муаллифлик ишланмаси), «ВАС – вазиятнинг асосий сабаби» сўровномаси (Н.С. Сафаев, У.А. Бутаева), А.А.Карелиннинг «Тадбиркорлик қобилиятини аниқлаш» тести, М.Р.Рокичнинг «Қадриятларга йўналганлик» методикаси, Е.Л.Касьяник, Е.С.Макееваларнинг «Шахснинг тизимли-характериологик муносабатларини экспресс-диагностикаси» сўровномаси, А.А.Рукавишниковнинг «Шахслараро муносабатлар диагностикаси» сўровномаси, ҳамда «Коммуникатив ва ташкилотчилик қобилиятларини аниқлаш» (КОС-2) методикаларидан фойдаланилган. Олинган натижалар математик-статистик (эконометрик) таҳлил, Манн-Уитнинг U-мезони, Стъудентнинг t-мезони, К. Пирсон (r_p) ҳамда Спирменнинг (ρ) корреляция коэффициентларини ҳисоблаш методлари, фоизли таҳлил, фактор таҳлили усуллари орқали тасдиқланган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

ижтимоий тасаввурларнинг тадбиркорлар иқтисодий ижтимоийлашувига таъсири натижасида «қаттиқ малака» (hard skills) тадбиркор профилини профессионал жиҳатларини, «юмшоқ малака» (soft skills) маълумотларни визуализациялаш, ахборотлар билан рационал-мақсадли ишлаш, коммуникативлик қобилиятларни проектив тафаккур

асосида шакллантиришига мувофиқ, «интернал» ва «экстернал» хусусиятларни дифференциал ривожланиши асосланган;

фаолиятдаги «креация», «антиципация», «рефлексия» хусусиятларининг ривожланишига «крауд-сорсинг» ва «ко-креациялар» усуллари орқали таъсир этиш натижасида терминал кадриятлардаги альтруизм ва праксик ҳисларни муваффақиятга эришиш мотивациясининг когнитив жиҳати билан интегратив шаклланиши туфайли, тадбиркорларнинг «ишлаб чиқариш калити», «фаолият индикаторлари», «KPI» даражаларини кўтарилиши далилланган;

тадбиркорда иқтисодий ролларни трансформацияланиши билан боғлиқ «силлогизм» (оддий), «индукция» (умумий), «дедукция» (хусусий) тафаккур шакллари намоён бўлишига кўра, ижтимоий масъулият, креативлик, SMART мақсадларни белгилай олиш ва тўғри қарор қабул қилиш компетенцияларини ўз-ўзига адекват баҳонинг коррекцион таъсири орқали шакллантиришга асосланиб, «келажак-Мен» ва «динамик-Мен»нинг ментал хусусиятларини адаптив ривожланиши исботланган;

тадбиркорларда ижтимоий масъулият ҳисининг паст даражада намоён бўлиши «мақсадли» иқтисодий тафаккурнинг эмоционал-когнитив кадриятларга номутаносиб ривожланганлигига ҳамда «психологик масъулият ва маданият»ни мужассамлаштирган социал компетенцияларни шакллантириш муҳимлигига кўра, «муваффақиятга интилиш», «эртанги кунга ишонч» хусусиятларига тесқари пропорционал эканлиги асосланган;

тадбиркорлардаги креативликни даражавий намоён бўлишида коммуникатив ва ташкилотчилик қобилиятларининг динамик хусусиятларини фаолиятдаги вазиятли ўзгаришларни бошқариш ва ҳаққоний баҳолаш (аутентлик) кўникмасини шаклланиши орқали ўзгаришига асосланиб, «ақлнинг танқидийлиги», «интуитив ижтимоий тафаккур» каби сифатларнинг ривожланганлик ҳолати муҳим эканлиги далилланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

тадбиркор фаолиятида шахслараро муносабатларга оид масъулиятнинг ўзига хос ижтимоий-психологик самарадорлигини тадқиқ қилувчи методикалар такомиллаштирилган ва амалиётда қўлланилган;

тадбиркорлик фаолиятида шахслараро муносабатларга оид тизимни такомиллаштиришнинг илмий-ташқилий ва илмий-услубий модели ишлаб чиқилган;

тадбиркорликнинг муваффақиятли, нисбатан муваффақиятли, муваффақиятсиз даражали гуруҳлари учун характерли бўлган тадбиркорнинг таянч малакалар ва орттирилган компетенциясининг фаолиятда намоён бўлишини тадқиқ қилиш услуби баён этилган;

маҳаллий шароитда тадбиркорлик фаолияти муносабатларини тартибга солишга қаратилган амалий тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги муаммонинг аниқ қўйилганлиги, халқаро миқёсда тан олинган илмий методик воситалар, маълумотларнинг репрезентативлиги ва олинган натижалар математик-статистик (эконометрик) таҳлил, Манн-Уитнинг U-мезони, Стъудентнинг

t-мезони, К.Пирсон (r_p) ҳамда Спирменнинг (ρ) корреляция коэффициентларини ҳисоблаш методлари, фоизли таҳлил, фактор таҳлили усуллари орқали тасдиқланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти бевосита уларнинг илмий янгилиги ва тадқиқот методларининг ишончлилигидан келиб чиқади, шунингдек, эмпирик тадқиқот дастурини ишлаб чиқиш усуллари, мазмуний-статистик таҳлил, ўзига хос методологик ёндашувларнинг тадқиқотимизда комплекс равишда қўлланилиши тадбиркор шахси ва унинг фаолиятини ўрганиш йўналишига ўзига хос назарий ҳисса бўлиб қўшилади ҳамда уларни жорий этиш орқали истиқболли тадқиқот муаммоларини ҳал этишга хизмат қилади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти шундаки, унда эмпирик таҳлиллар орқали қўлга киритилган натижалар ва назарий хулосалар Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг бакалаврият таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари бўйича ўқув режаларига киритилган «Иқтисодий психология», «Бизнес ва ташкилий психология», «Савдо иши» «Реклама, жамоатчилик алоқаларида идрок ва психология», «Истеъмолчи хулқ атвори», «Социал психология» каби фанларни янги маълумотлар билан бойитади, шу билан бирга, натижалардан ўқув қўлланма, дарсликлар тайёрлашда, психологик луғатларни такомиллаштиришда фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Тадбиркорлик фаолиятида шахслараро муносабатларга оид масъулиятни оширишнинг ижтимоий-психологик детерминантларини аниқлаш юзасидан ўтказилган илмий тадқиқот натижалари асосида:

-ижтимоий тасаввурларнинг тадбиркорлар иқтисодий ижтимоийлашувига таъсири натижасида «қаттиқ малака» (hard skills) тадбиркор профилини профессионал жиҳатларини, «юмшоқ малака» (soft skills) маълумотларни визуализациялаш, ахборотлар билан рационал-мақсадли ишлаш, коммуникативлик қобилиятларни проектив тафаккур асосида шакллантиришига мувофиқ, «интернал» ва «экстернал» хусусиятларни дифференциал ривожланиши асосланганлиги бўйича таклифлар Тошкент давлат педагогика университети қошидаги Психология ўқув-илмий Марказининг 2022 йил 6 майдаги ПМ-03-а-сон буйруғига асосан «Касб психологияси» модулига киритилган (Тошкент давлат педагогика университети қошидаги Психология ўқув-илмий марказининг 2022 йил 6 майдаги ПМ-03-а-сон маълумотномаси). Ушбу таклифнинг қўлланилиши натижасида замонавий рақобатбардош амалиётчи-психолог кадрларни тайёрлаш жараёнининг илмий-методик таъминоти бойитилишига эришилган;

-фаолиятдаги «креация», «антиципация», «рефлексия» хусусиятларининг ривожланишига «крауд-сорсинг» ва «ко-креациялар» усуллари орқали таъсир этиш натижасида терминал кадрлардаги альтруизм ва практик ҳисларни муваффақиятга эришиш мотивациясининг когнитив жиҳати билан интегратив шаклланиши туфайли, тадбиркорларнинг «ишлаб чиқариш калити», «фаолият индикаторлари», «КРІ» даражаларини

кўтарилиши далилланганлигига оид маълумотлар асосида «Тадбиркорлик фаолиятида шахслараро муносабатларга оид масъулиятни оширишнинг ижтимоий психологик хусусиятлари» номли монография нашр қилинган ҳамда амалий тавсиялар Тошкент давлат педагогика университети қошидаги Психология ўқув-илмий Марказининг 2022 йил 6 майдаги ПМ-03-а-сон буйруғига асосан «Ижтимоий психология» модули таркибида ўқув жараёнида фойдаланилган (Тошкент давлат педагогика университети қошидаги Психология ўқув-илмий марказининг 2022 йил 6 майдаги ПМ-03-а-сон маълумотномаси). Натижада амалиётчи психологларнинг тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ қарорларни қабул қила олиш компетенцияларини муваффақиятли намоён қилиш имкони яратилган;

-тадбиркорда иқтисодий ролларни трансформацияланиши билан боғлиқ «силлогизм» (оддий), «индукция» (умумий), «дедукция» (хусусий) тафаккур шакллари намоён бўлишига кўра, ижтимоий масъулият, креативлик, СМАРТ мақсадларни белгилай олиш ва тўғри қарор қабул қилиш компетенцияларини ўз-ўзига адекват баҳонинг коррекцион таъсири орқали шакллантиришга асосланиб, «келажак-Мен» ва «динамик-Мен»нинг ментал хусусиятларини адаптив ривожланиши исботланган таклифлар Тошкент давлат педагогика университети қошидаги Психология ўқув-илмий Марказининг 2022 йил 6 майдаги ПМ-03-а-сон буйруғига асосан «Ижтимоий психология» модулига киритилган (Тошкент давлат педагогика университети қошидаги Психология ўқув-илмий марказининг 2022 йил 6 майдаги ПМ-03-а-сон маълумотномаси). Мазкур таклифнинг жорий этилиши амалиётчи психологларни бўлажак психологик хизмат фаолиятига доир билим, малака, кўникма ва компетенцияларининг ошишига хизмат қилган;

-тадбиркорларда ижтимоий масъулият ҳисининг паст даражада намоён бўлиши «мақсадли» иқтисодий тафаккурнинг эмоционал-когнитив қадриятларга номутаносиб ривожланганлигига ҳамда «психологик масъулият ва маданият»ни мужассамлаштирган социал компетенцияларни шакллантириш муҳимлигига кўра, «муваффақиятга интилиш», «эртанги кунга ишонч» хусусиятларига тескари пропорционал эканлиги асосланган маълумотлар Тошкент давлат педагогика университети қошидаги Психология ўқув-илмий Марказининг 2022 йил 6 майдаги ПМ-03-а-сон буйруғига асосан «Шахслараро муносабатлар психологияси» модулига киритилган ва ўқув жараёнида фойдаланилган (Тошкент давлат педагогика университети қошидаги Психология ўқув-илмий марказининг 2022 йил 6 майдаги ПМ-03-а-сон маълумотномаси). Мазкур таклифни жорий этилиши амалиётчи психологларни бўлажак тадбиркорларда шахслараро муносабатларга оид масъулиятни оширишнинг ижтимоий психологик детерминантларини аниқлашга доир билимларини такомиллаштиришга, тадбиркорлик соҳасидаги амалий жиҳатдан психологик тайёргарлигини янада ошишига хизмат қилган;

-тадбиркорлардаги креативликни даражавий намоён бўлишида коммуникатив ва ташкилотчилик қобилиятларининг динамик хусусиятларини фаолиятдаги вазиятли ўзгаришларни бошқариш ва ҳаққоний

баҳолаш (аутентлик) кўникмасини шаклланиши орқали ўзгаришига асосланиб, «ақлнинг танқидийлиги», «интуитив ижтимоий тафаккур» каби сифатларнинг ривожланганлик ҳолати муҳим эканлиги далилланганлигига оид таклифлар Тошкент давлат педагогика университети қошидаги Психология ўқув-илмий Марказининг 2022 йил 6 майдаги ПМ-03-а-сон буйруғига асосан «Касб психологияси» модулига киритилган ва ўқув жараёнида фойдаланилган (Тошкент давлат педагогика университети қошидаги Психология ўқув-илмий марказининг 2022 йил 6 майдаги ПМ-03-а-сон маълумотномаси). Мазкур таклифни жорий этилиши амалиётчи психологларни бўлажак тадбиркорларда шахслараро муносабатларга оид масъулиятни оширишнинг ижтимоий психологик детерминантларини аниқлашга доир билимларини такомиллаштиришга, тадбиркорлик соҳасидаги амалий жиҳатдан психологик тайёргарлигини янада ошишига хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Диссертацион тадқиқотнинг натижалари 2 та халқаро ва 10 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Тадқиқот ишининг асосий натижалари бўйича жами 29 та илмий иш, жумладан, 1 та монография, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 11 та мақола, жумладан 9 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда ҳамда 4 та тезис чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертацион иш кириш, тўрт боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Ишнинг умумий ҳажми иловалардан ташқари 219 бетни ташкил қилади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, мақсад ва вазифалар белгиланган, тадқиқот усуллари, объекти ва предмети аниқланган, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикасида фан ва технологиялар тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотда олинган натижаларнинг илмий янгилиги, назарий ва амалий аҳамияти, уларнинг амалиётда татбиқ этилганлик ҳолати, илмий нашрларда эълон қилиниши, диссертацион ишнинг тузилиши юзасидан маълумот келтирилган.

Диссертациянинг «**Тадбиркорлик фаолияти ва унинг тарихий генезиси: назарий, ҳуқуқий ва илмий асослар**» деб номланган биринчи боби мазмуни адабиётлар таҳлилига қаратилган бўлиб, унда Шарқ ва Ғарб олами психология фанининг илмий меросидан унумли фойдаланилган.

Тадбиркорлик фаолиятининг тарихий генезисига илмий ёндашувлар замирида, даставвал, Шарқда ривож топган «Авесто», «Накшбандия», «Яссавия», «Кубровия» каби таълимотларда келтирилган қарашлар орадан минг йиллаб вақт ўтиб бораётган бўлса-да долзарблигини йўқотмаётганлиги

далилланган. Зеро, «Авесто» китобида ер юзида адолат қарор топиши учун кишиларнинг ирки, тили, урф-одатларидаги фарқларидан қатъий назар, уларнинг фаровон ҳаёти учун курашувчи жасур, ҳалол, пок, тадбиркор, ташаббускор инсонларни шакллантириш ва тарбиялаш ғояси илгари сурилган. Айниқса, «Нақшбандия»нинг «Дил ба ёру, даст ба кор», яъни «дилинг Аллоҳда, қўлинг меҳнатда бўлсин», деган таълимот асосчиси Хожа Баҳоуддин Нақшбандий кимхобга нақш босишда тадбиркорлик маҳоратини намойиш этиб, ҳалол меҳнат билан яшаш зарурлиги ибрат қилиб кўрсатган. Тадбиркорлик бўйича билим ва амалий фаолиятлар Соҳибқирон Амир Темура Кўрагонийнинг «Темура тузуклари»да, Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг «Бобурнома»сида ҳам ўзининг ёрқин ифодасини топганлиги ишнинг методологик асоси учун тарихий генезис сифатида баён қилинган.

Диссертацияда қўйилган мақсад фонида чет эл ва маҳаллий олимларнинг тадбиркорликни ўрганишга қаратилган кўплаб ҳукуқий (мулкӣ), ижтимоӣ-иқтисодӣ ва гуманитар соҳа тадқиқотларида ўз ифодасини топган тадбиркорлик фаолиятининг таркибий компонентлари, тадбиркорлик турлари, тадбиркор фаолиятини илмӣ тадқиқ этиш анъаналари ва мактаблари, улар такомиллашувининг иерархияси, тадбиркорнинг асосӣ сифатлари ва компетенциялари ижтимоӣ-психологик жиҳатдан назарӣ таҳлили амалга оширилган. Шунингдек, бобда ҳаракатлар стратегияси тадбиркорлик фаолиятининг барқарорлик шартлари омили сифатида баён қилинган.

Диссертациянинг **«Тадбиркорлик фаолиятида шахслараро муносабатлар масъулиятини эмпирик ўрганиш»** деб номланган иккинчи бобида, аввало, тадбиркор масъулиятини шахслараро муносабатлар контекстида ўрганишнинг эмпирик тадқиқот дастури баён қилинган. Дастурда эмпирик тадқиқотни ташкил этиш ва уни ўтказиш босқичлари тавсифланган.

Тадқиқотда қўлланилган усуллар тизимли равишда таснифланиб, илмӣ тадқиқот базаси ва тадқиқотда иштирок этган респондентлар танловининг қамрови ва давомийлиги баён этилган. Сўнгра, илмӣ тадқиқот объекти ва предметини аниқлашнинг назарӣ-методологик масалалари ёритилиб, унда «Коммуникатив ҳаракатлар назарияси» бош методологик ғоя, «Мулоқотнинг ижтимоӣ-психологик модели» асосӣ методологик ғоя, «Ижтимоӣ тасаввурлар» ва «Иқтисодӣ ижтимоӣлашув» концепциялари тадқиқотнинг ёрдамчи методологик асоси, «Инсон тараққиёти концепцияси» шахслараро муносабатларга оид масъулиятни оширишнинг таянч методологик асоси сифатида эканлиги ижтимоӣ-психологик нуқтаи назардан далилланган. Айниқса, ҳинд иқтисодчиси, 1998-йилги Нобель мукофоти лауреати А.К. Сен ва покистонлик машҳур иқтисодчи Маҳбуб ул-Ҳақлар томонидан илгари сурилган «Инсон тараққиёти концепцияси» нафақат назария, балки жамият ривожланишининг комплекс моделига айланганлиги кўрсатиб ўтилган.

Шунингдек, «Инсон тараққиёти концепцияси» Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида илгари сурилаётган самарали ва барқарор иқтисодӣ ўсишни таъминлаш, яъни тадбиркорларнинг имкониятларини янада

кенгайтириш, уларнинг иқтисодий ва сиёсий ҳуқуқ ва эркинликларини рўёбга чиқариш ҳамда шу йўл орқали жамият аҳлининг ҳам маънавий, ҳам моддий эҳтиёжларини қондиришга қаратилган «Минг йилликнинг ривожланиши»ни баҳоловчи муҳим индикатор сифатида ўрни ва аҳамияти асосланган.

Бобда шахслараро муносабатлар ва масъулият тушунчаларининг ижтимоий-психологик мазмунига қаратилган хорижий ва маҳаллий илмий ёндашувларнинг назарий таҳлили амалга оширилган. Назарий таҳлиллар асосида тадбиркордаги масъулият ҳиси шаклланишига таъсир кўрсатувчи психологик компонентлар, масъулиятни намоён бўлиш шакллари баён қилинган.

Илмий манбаларга таянилган ҳолда масъулиятни шакллантирувчи компонентлар (шахс сифатлари, психологик етуклик, шахс йўналганлиги, ахлоқий ҳислари) Э.Ғ. Ғозиев, В.М. Каримова, Қ.Н. Назаров, А.М. Жабборов, Ш.Х. Абдуллаева, Ш.Ж. Эргашходжаева, Б.Н. Сирлиев, Х.Р. Хайдарова, Н.Н. Шомуротова, У.А. Бутаева, Д.Х. Сафаров, И.А. Узаков, Х.М. Тожибоева, В.П. Прядеин, А.В. Петровский, Н.В. Лейффрид, Т.М. Ньюкомб, Т. Гоббс, И. Кант, Р. Пломин, Ҳ. Ҳерманс, Ж. Роттер, Г. Лебон, Т. Парсонс, Г. Гегель, Л. Фестингерларнинг тадқиқотларидаги шахс (тадбиркор)даги масъулият ривожланишининг асоси эканлиги психологик таҳлил қилинган.


Назарий таҳлилларга таянилган ҳолда, миллий давлатчиликни мустаҳкамлаш, ислохотларни изчил давом эттириш, жамиятда иқтисодий барқарорликни таъминлаш лозим бўлган ҳозирги шароитда тадбиркорлик соҳаси билан боғлиқ жараёнларда масъулиятни оширишнинг аҳамияти муҳим эканлиги тушунтирилган. Тадбиркорлик шахсига нисбатан, маҳаллий ва хорижий олимлар ва экспертларнинг қарашларини ўзида мужассамлаштирган илмий манбаларда ёритилган шахслараро муносабатлар, масъулият тушунчаларининг ижтимоий-психологик таҳлили масъулиятнинг шахс қадриятлари ва тадбиркорлик фаолиятида тутган аҳамиятини белгилаб беришда муҳим роль ўйнаши исботланган. Шунингдек, тадбиркор жамиятдаги муайян касбий фаолият туридаги меҳнат эгаси сифатида ўз зиммасига юклатилган вазифаларни самарали бажаришга тегишли тарзда тайёр бўлиши талаб этилиб, ушбу ҳолат тадбиркор шахсдан ўз тадбиркорлик фаолиятида ташкилий-бошқарув жавобгарлигининг мавжудлигини келтириб чиқаради, дея хулосаланган.

Диссертацияда халқ оғзаки ижоди маҳсули саналган «мақоллар»да масъулият ва масъулиятсизлик ҳақида жуда кўп тарихий ҳақиқатлар тўғрисида тасаввурлар ўрганилган. Хусусан, «Ҳар ишни ўз вақтида қил, ҳар дақиқани бахтинг калиди бил» ёки «Ваъда – тош девордан қаттиқ» кабилар шулар жумласидандир. Халқ оғзаки ижодиётига таянган ҳолда, масъулият муайян ижтимоий категория сифатида, уни амалга ошириш шакллари жамиятнинг амалдаги ҳолати, унда ҳукм сурувчи ижтимоий муносабатларнинг турлари, тарихий анъаналар, ахлоқ қоидалари, маънавий ва маданият қадриятлар билан боғлиқдир, деб хулосаланган.

Шунингдек, бобнинг мазмунида бозор иқтисодиёти шароитида сотувчи

ва харидор муносабатларини такомиллаштиришнинг ижтимоий-психологик механизмларини ифодаловчи Д.Х. Сафаров изланишлари, корпоратив ижтимоий масъулият тамойилларини татбиқ этишда давлатнинг иштирокини ва корхонанинг ўз хоҳишига кўра масъулиятли бизнес қоидаларига риоя қилишини тушунтирувчи М. Шарاپова қарашларининг тизимли таҳлили юритилиб, шу орқали тадқиқот ишининг юқоридаги изланишлардан кескин тафовути кўрсатиб ўтилган.

Диссертациянинг «Тадбиркорлик фаолиятидаги шахслараро муносабатларда масъулиятнинг шахсий ва касбий компетенцияларга боғлиқлигини эмпирик ўрганиш» деб номланган учинчи бобда, даставвал, шахслараро муносабатларга таъсир кўрсатувчи омиллар, механизмлар ва жиҳатларнинг ижтимоий-психологик таҳлили муаллифлик ишланмаси саналган «Тадбиркорлик фаолиятида шахслараро муносабатларга таъсир кўрсатувчи детерминант (омил, механизм, жиҳат)ларни тадқиқ этиш ва тадбиркор масъулияти самарадорлигини аниқлаш сўровномаси»ни қўллаш натижалари асосида баён қилинган. Мазкур сўровнома Андижон, Фарғона ва Наманган вилоятларида МЧЖ раҳбари сифатида фаолият олиб бораётган 250 нафар ҳамда Андижон вилоятидаги ўзини ўзи банд қилиш билан машғул бўлган 168 нафар тадбиркорлар билан ўтказилган.



1-расм. Тадбиркорлик фаолиятни танланиши ва давом эттирилишига сабаб бўлган мотивлар рейтинги (n=418).

Ижтимоий-психологик сўровнома (ИПС)даги «Нега сиз айти вақтда тадбиркорлик ва ўзини ўзи банд қилиш фаолияти билан шуғулланишни йўлга қўйдингиз?» – деган саволга: 71,53 фоиз синалувчи ўз жавобларида жамиятнинг бозор иқтисодиётига босқичма босқич ўтиш ҳисобига олдинги иш жойларини йўқотгач ва давлат секторида иш ўринларини қисқариши ҳамда иш ўрни етишмаслигидан келиб чиққан молиявий муаммоларга барҳам бериш мақсадида «моддий манфаатдорлик»ни; 67,94 фоизи—»шахсий

салоҳиятимни ошириш ва касбий фаолиятни янгилаш зарурати»ни; 65,79 фоиз синалувчи «имкониятларимни ва ўзимни рўёбга чиқариш ҳамда атрофдагиларга тан олинмиш эҳтиёжи»ни; 61,72 фоизи «ҳудудда ва (ёки) ёшлар, хотин-қизларга яратилган комфорт шароитлар»ни ва яна шунча респондент «амалга ошираётган фаолият турининг атрофдагиларга фойда келтириши ва Ватан равнақига қўшадиган улуши»ни; 47,61 фоизи– «мустақилликка интилиш ва кўпроқ ўз вақтига эга бўлиш имконияти»ни; 46,41 фоиз респондент «масъулиятли жамоада ва обрўли шахслар билан ишлаш имконияти»ни; 23,68 фоизи–»референт гуруҳ тавсияси»ни; 18,42 фоизи–»вазият тақозоси»га кўра тадбиркорлик фаолиятини бошлашганлигини сабаб сифатида қайд этишган ҳолда жавоб беришган бўлса, яна 16,51 фоизи ўз вариантларини баён қилишган (1-расмга қаранг).

Шунингдек, тадбиркорлик субъектларининг бозордаги иштироки ва эгаллаган мавқеига кўра, мотивлар рейтингда ҳар иккала тоифа тадбиркорлар тасавури бир-биридан тубдан тафовутланади. Аниқланилишича, 81,2 фоиз МЧЖ раҳбарлари «шахсий салоҳиятимни ошириш ва касбий фаолиятни янгилаш зарурати» тадбиркорлик фаолиятини ташкил этишдаги асосий сабаб сифатида белгилаганлар (1-жадвалга қаранг).

1-жадвал

Тадбиркорлик субъектлари фаолиятининг ташкил этилиши ва давом эттирилиши билан боғлиқ мотивлар рейтингини (n=418; жамига нисбатан улуши, фоизда)

№	Мотивлар	МЧЖ раҳбари	Ўзини ўзи банд қилган
		n=250	n=168
1.	Моддий манфаатдорлик	61,6	86,3
2.	Мустақилликка интилиш ва (ёки) кўпроқ ўз вақтига эга бўлиш имконияти	48,4	46,4
3.	Имкониятларимни ва (ёки) ўзимни рўёбга чиқариш ҳамда атрофдагиларга тан олинмиш эҳтиёжи	80,4	44,0
4.	Вазият тақозоси	10,4	30,4
5.	Ҳудудда ва (ёки) ёшлар, хотин-қизларга яратилган комфорт шароитлар	44,4	87,5
6.	Масъулиятли жамоада ва (ёки) обрўли шахслар билан ишлаш имконияти	71,2	9,5
7.	Амалга ошираётган фаолият турининг атрофдагиларга фойда келтириши ва Ватан равнақига қўшадиган улуши	72,0	46,4
8.	Шахсий салоҳиятимни ошириш ва (ёки) касбий фаолиятни янгилаш зарурати	81,2	48,2
9.	Референт гуруҳ тавсиясига асосан	34	8,3
10.	Яна қандай?	12,8	22,0

Манба: муаллиф тадқиқотлари.

Ижтимоий-психологик нуқтаи назардан қараганда бу ҳолатни тадбиркорлик фаолиятида респондентларнинг таваккалчиликка бўлган муносабати орқали изоҳланади. Бозордаги ўзгарувчан муҳит ва ундаги нобарқарорлик тадбиркордан таваккалчилик асосида фаолият юритишни

тақозо қилади. Шу жиҳатдан олиб қараганда тадбиркорликдаги муваффақият таваккалчиликка муносабат орқали ҳам белгиланади. Шу боис, респондентларда шахсий салоҳиятни ошириш ва касбий фаолиятни янгилаш зарурати билан боғлиқ устувор мотив, уларда таваккалчиликка асосланган равишда тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйишларига сабаб бўлган. Бу айниқса, 10 йилдан ортиқ муддатда тадбиркорлик стажига эга респондентлар жавобида учрайди. Масалан, «Андижон эталон завод» МЧЖ, «Автоойна» МЧЖ, «Афруз Камол Наби» МЧЖ ва бошқалар томонидан берилган жавоблар алоҳида аҳамият касб этади. 5 йилдан 10 йилгача бўлган муддатдаги тадбиркорлик стажига эга 80,4 фоиз респондентлар учун «имкониятларимни ва ўзимни рўёбга чиқариш ҳамда атрофдагиларга тан олиниш эҳтиёжи» тадбиркорлик фаолиятини бошлаш учун сабаб бўлиб хизмат қилган. Бундай устуворликдаги мотивнинг танланиши, одатда, респондент-тадбиркорларнинг ўз фаолияти муваффақиятига берган баҳосига, фаолият контекстида учраган муаммоларни ечишдаги шахсий имкониятга, қийинчиликларни енгишдаги иродавий сифатга, қолаверса масъулият ҳисига ҳам боғлиқдир.

Айнан шу масъулият ҳиси, тадбиркорга амалга ошираётган фаолият турининг атрофдагиларга фойда келтириши ва ватан равнақига қўшадиган улушини англашда ўзига хос туртки бўлиб хизмат қилган. Тадқиқотдан аниқланилишича, ташкилотнинг МЧЖ юридик шаклида фаолият кўрсатаётган 72,0 фоиз тадбиркорлик субъекти вакили «атрофдагиларга фойда келтириши ва Ватан равнақига қўшадиган улушини англаш» мотивини тадбиркорлик билан шуғулланишларининг бош мақсади, деб биладилар (1-жадвалга қаранг).

Қиёсий таҳлиллар кўрсатишича, О.Э. Ҳайитов тадқиқотларида ҳам тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишга жалб қилувчи ҳамда ундовчи психологик омиллар орасида тадбиркорлар ўзини такомиллаштириш, мустақиллик, моддий таъминланганлик, атрофдагилар орасида обрў-эътиборга, мавқега эга бўлиш, бошқа инсонлар учун ишнинг фойда келтириши каби мотив устуворлигини кўрсатади. Бу эса маҳаллий тадбиркорларимиз иқтисодий онгида теварак-атрофдаги шахсларга нафи тегиш, она диёр равнақига ўз хиссасини қўшиш каби мотивлар тадбиркорлик фаолиятини ташкил этишдаги асосий турткилар эканлигини яна бир бор тасдиқлайди.

Буни биз Андижон вилоятида «Янги Андижон» шаҳарчасини барпо этиш, тадбиркорлик ва кичик бизнесни ривожлантириш орқали аҳолининг турмуш шароитини яхшилаш ҳамда ижтимоий соҳани, йўл-транспорт ва муҳандислик-коммуникация тармоқларини қуриш ва таъмирлаш ишларини молиявий ресурслар билан таъминлаш мақсадида ажратилган 100 миллион АҚШ доллари эквивалентига тенг инвестициянинг, 40 миллион АҚШ доллари эквивалентидаги маблағлар 3 йиллик имтиёзли давр билан 7 йил муддатга 7 фоиз ставкасида 200 та маҳаллада кооперация асосида кичик бизнесни ва оилавий тадбиркорликни ривожлантиришга кўмаклашиш мақсадида бириктирилган етакчи тадбиркорлик субъектларини молиявий

қўллаб-қувватлашга йўналтирилганлиги мисолида кўриб чиқишимиз мумкин. Сабаби ана шундай турдаги преференциялар тадқиқотга танланган синалувчиларимиз онгида ўзлари туғилиб ўсган диёр ва шу диёрда истиқомат қилаётган ёру-биродарлари, ҳамшаҳарлари, ҳамқишлоқлари олдида қарздорлик туйғусини шакллантириб, фаолиятни амалга оширишда янада масъулиятли бўлиш ҳисини уйғотмоқда. Бу эса яна бир бор шахсдаги ижтимоий маънода жамият ва бурч олдидаги маънавий қарздорлик, унда масъулият ҳисини қарор топтиришга сабаб бўлади, деган назарий ёндашувни амалда ўз тасдиғини топганлигини кўрсатади.

Бундай танлов масъулияти эса танланган респондентларимизни юрт қаҳрамонлари сифатида истиқболда Андижоннинг шонли тарихини безовчи муҳим ижтимоий-психологик омил сифатида тадбиркорларнинг психологик портретини гавдалантиришда асос бўлиб хизмат қилади.

ИПС даги «Тадбиркорлик ва ўзини ўзи банд қилиш фаолиятингиздаги бозор субъектлари билан ўзаро муносабатларга киришишингизга тўсиқ бўлган сабаблар ва омиллар», деган саволга респондентларнинг фикрича, бозор иштирокчиларининг ўзаро муносабатларга киришишларидаги мавжуд қийинчиликлар қуйидаги сабаблар орқали изоҳланади (2-жадвалга қаранг).

2-жадвал

Тадбиркорлик ва ўзини ўзи банд қилиш фаолиятига доир бозор муносабатларига киришишга тўсиқ бўлувчи омиллар рейтингини (n=418; жамига нисбатан улуши, фоизда)

№	Мотивлар	МЧЖ раҳбари	Ўзини ўзи банд қилган
		n=250	n=168
1.	Бозорга мослашув даврининг қисқалиги	6,0	11,9
2.	Танланган тадбиркорлик (ўзини ўзи банд қилиш) фаолият (меҳнат) турига доир янги технологиялар ва инновацияларни жорий этилганлиги ҳамда уларни ўзлаштиришдаги қийинчиликлар	80,4	28,0
3.	«Устоз-шогирд» тизимининг шаклланмаганлиги	32,4	12,5
4.	Ҳатто бир оила ва гуруҳ ичидаги рақобатнинг мавжудлиги	89,6	89,9
5.	Ноқулай иш шароити ва хатарлар	82,8	92,3
6.	Меҳнатнинг оғирлиги ва ёлғизлигим	10,0	91,7
7.	Бозор иштирокчилари ўртасида мажбурият ва ҳуқуқнинг ноаниқ тақсимланганлиги	9,2	88,1
8.	Янги меҳнат эгаси малакасининг танланган тадбиркорлик (ўзини-ўзи банд қилиш) фаолияти талабларига мос келмаслиги	13,2	64,9
9.	Нотиклик санъатининг етишмаслиги ва бозор «тили»ни яхши билмаслик	96,4	99,4
10.	«Сотувчи-харидор» ва «ишлаб чиқарувчи/хизмат кўрсатувчи-мижоз» диадаси муносабатларини тушунмаслик	94,0	95,8
11.	Адолат тамойилининг бузилиши	51,2	51,8
12.	Тадбиркорлик ва ўзини-ўзи банд қилиш фаолиятидаги «синиш»лар, банкрот бўлишлар	78,4	81,0
13.	Яна қандай?	12,4	2,4

Манба: муаллиф тадқиқотлари.

Натижалардан кўринадики, ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасида фаолият юритаётган МЧЖ гуруҳи вакилларининг 96,4 фоизи ва

Ўзини ўзи банд қилиш фаолияти билан шуғулланаётган тоифадаги синалувларнинг 99,4 фоизини эътироф этишларича, бозор муносабатларига киришишдаги мавжуд асосий қийинчилик— бу тадбиркордаги нотиклик санъатининг етишмаслиги ва ўзи фаолият юритаётган бозор «тили»ни яхши билмасликдир. Айнан ушбу мотивнинг устуворлик асносида танланиши, биринчидан, ҳар иккала тоифа синалувчилар фаолиятининг гуруҳий муносабатлар доирасида ташкил этилганлиги орқали изоҳланади. Иккинчидан, ижтимоий-психологик нуқтаи назардан олиб қараганда бу ҳолат, шу тоифа тадбиркор-синалувчиларда «Локус назорат»нинг яхши шаклланмаганлигидан далолат беради.

Сабаби шахс нотиклигида ва бозордаги гуруҳий муносабатларга киришишда, унинг «тили»ни яхши фаҳмлашда интернал локус назорат механизми яхши ишлаши зарур. Шахслараро муносабатлар ва масъулият тушунчаларининг ижтимоий-психологик мазмуни назарий жиҳатдан таҳлил этилган маълумотларга мос равишда ўзини ўзи банд қилиш соҳасидаги тадбиркорлик фаолиятини муваффақиятли ташкил этишига тўсиқ бўлган барча ҳодисаларнинг сабабчиси сифатида ўзларини эътироф этишади ҳамда унинг ечими учун жавобгар шахс «масъул»и сифатида фақат ўзларини тан олишади. Психологик тадқиқотлардан маълумки, бир жойда бир хил турдаги ишлаб чиқаришни йўлга қўйган, хизмат турини кўрсатаётган тадбиркорлик субъектларининг фаолият юритиши ўзаро рақобат муҳитини шакллантиради. Худди мана шу ҳолат, фикримизча, тадбиркорлик ва ўзини ўзи банд қилиш соҳасига доир бозор муносабатларига киришишда тўсиқ бўлувчи ижтимоий-психологик қийинчиликдир. Лекин, МЧЖ гуруҳ вакиллари қарашларида эса бунинг аксини кўришимиз мумкин. Яъни, мазкур тоифа синалувчиларнинг фикрича, барча рўй берган ва истиқболда юз берадиган воқеа, ҳодисаларнинг сабабчиси— бу ташқи омиллар, рақобатчилар (монополиячилар, импорт қилувчилар, алоҳида берилаётган имтиёзлар ҳамда давлатнинг аралашуви)дир. Бу эса ушбу тоифа иқтисодий тафаккурида экстернал локус назорат устуворлигини кўрсатади.

94,0 фоиз МЧЖ гуруҳига ва яна 95,8 фоиз ўзини ўзи банд қилган тадбиркорлар гуруҳига мансуб респондентлар учун иккиламчи асосий қийинчилик сифатида «сотувчи-харидор» ва «ишлаб чиқарувчи/хизмат кўрсатувчи-мижоз» диадаси муносабатларини тушунмаслик эътироф этилган (2-жадвалга қаранг). Бундай танлов биринчи навбатда, турли даражадаги иқтисодий роль (ишлаб чиқарувчи, хизмат кўрсатувчи, сотувчи ва бошқа) лар эгасининг бозордаги иккинчи тоифа иштирокчи (истеъмолчи, мижоз, харидор ва бошқа) ларнинг олдида бурч ва масъул эканлигига далолат беради. Бу эса мамлакатимизда ҳам тадбиркорлик фаолиятини ташкил этишда «истеъмолчи манфаатини аниқлаш усули»ни тобора кенг қўлланилиб, маҳаллий тадбиркорлар томонидан «истеъмолчига янги товар ёки хизматларни мажбуран қабул қилдириш усули»ни аста-секин барҳам топиб бораётганлигини кўрсатади. Иккинчидан, психологик нуқтаи назардан олиб қараганда, тадбиркорлик субъектлари фаолиятининг фақат ички бозорга эмас, балки ташқи бозорга ҳам йўналганлиги, ўз навбатида шахслараро

муносабатлар мазмунига «табiiй-географик омил» сифатида таъсир кўрсатувчи детерминантлар аҳамиятини ҳам этнопсихологик жиҳатдан намоён қилмоқда. Сабаби, табiiй-географик детерминант– маҳаллий тадбиркорнинг «этнопсихологик қиёфаси»ни тушунтиришда қўл келиб, глобаллашув даврида хорижий истеъмолчилар тафаккурида «ўзбек тадбиркори» деган имижни шаклланишида муҳим роль ўйнайди.

89,6 фоиз МЧЖ гуруҳи вакили саналган респондент учун «хатто бир оила ва гуруҳ ичидаги рақобатнинг мавжудлиги» ҳам фаолиятни ташкил қилишга тўсиқ бўлувчи бош муаммолардан бири саналади (учинчи даражали устуворликдаги мотив сифатида танланган). Бизнингча, оилавий тадбиркорликка кенг йўл очилаётганлиги, хусусан, «Ҳар бир оила – тадбиркор» дастурининг ҳаётга татбиқи ҳамда бозордаги «талаб ва таклиф» мутаносиблиги моделлари тадбиркорлик фаолиятини ташкил этишда эгилувчан ёндашувни қўллаш заруратини келтириб чиқармоқда. Юқоридаги детерминантлар тўғрисида тўлиқ тасаввурга эга бўлиш учун тадбиркорлик субъекти ва меҳнат эгаси ўзининг нимага ва қандай ишларга компетентлигини жуда яхши англаши лозим (2-жадвалга қаранг). Бу борада, иқтисодий психологиядаги жозибали ва мукаммал ҳисобланган Мак Грегорнинг «Ү» назарияси ҳам маълум бир ишчи фаразлар ечимини асослашда қийинчиликларни келтириб чиқариб, мавжуд детерминантлар тўғрисида аниқ баҳо бермайди. Шу боис ҳам, ўзгаришларни бошқариш тадбиркор ўзининг дастлабки фаолиятини ташкил этиш билан боғлиқ қарорларини зудлик билан қайта кўриб чиқиши, зарурий ҳолларда эса тадбиркорликни бошқаришдаги услубига тезкор ўзгартишлар киритишга доимо руҳан тайёр туриши шарт.

ИПС натижалари таҳлилининг кўрсатишича, 92,3 фоиз ўзини ўзи банд қилиш соҳасида тадбиркорлик фаолиятини юритиб келаётган синалувчи, учинчи даражали тўсиқ бўлувчи мотивлар рейтингда «ноқулай иш шароити ва рисклар» мотивини қайд этишган (2-жадвалга қаранг). Юқоридагидан ташқари қатор ташкилий-иқтисодий ва ижтимоий омиллар ҳам борки, улар ўзини ўзи банд қилган меҳнат эгаси (масалан, иккиламчи касбий фаолиятни танлаган) нинг танланган меҳнат турига мослашувини қийинлаштиради. Моҳиятан ушбу сабабий боғланиш объектив омиллар тоифасига кириб, тадбиркордан ўзини ўзи ишонтириш, яъни ўз имкониятлари, кучи ва иродасига ишониши, ўзини ижобий хулқ нормаларига бўйсундириши орқали ўзига ўзи таъсир кўрсатади ва аутосуггестия шакллантиради. Умуман олганда ўзини ўзи бошқаришнинг муҳим мезони саналган интернал локус назорат– ҳар доим, ҳар ерда ўзининг барча хатти-ҳаракатларини мунтазам равишда коррекциялай олиш ва бошқариш учун зарурий сифатлар комплексини ривожланишига сабаб бўлади, тадбиркорнинг ички интизом механизмининг такомиллашувига ҳамда масъулият ҳисининг ошишига олиб келади.

Тадқиқотнинг ушбу босқичида Н.С. Сафаев, У.А. Бутаеваларнинг «ВАС – вазиятнинг асосий сабаби» сўровномаси билан ҚК, ОАЖ ва (ёки) ЁАЖ, МЧЖ гуруҳига мансуб тадбиркорлик субъектлари вакиллари саналган 372

нафар респондентларга мурожаат қилинди. Ҳар бир устувор детерминантнинг сабабий боғлиқлиги ижтимоий тасаввурлар концепциясига мувофиқ, тадбиркорларнинг локус-назорати (интернал ва экстернал) йўналганлигини иқтисодий ижтимоийлашуви жараёнига кўрсатадиган таъсирини тушунтириб беришга хизмат қилди.

3-жадвал

«ВАС» сўровномаси ўртасидаги корреляция кўрсаткичлари (К.Пирсоннинг корреляция коэффиценти бўйича)


№	Ҳодисалар	Респондентлар гуруҳи (n=372)	Сабаблар			Локус назорати кўриниши	Гр
			А	Б	В		
1.	Пул кам чиқиб қолди	ҚК раҳбари				Интернал	0,484**
		ОАЖ / ЁАЖ раҳбари				Интернал	0,521*
		МЧЖ раҳбари				Интернал	0,419**
2.	Одам кулаяпти	ҚК раҳбари				Интернал	0,512*
		ОАЖ / ЁАЖ раҳбари				Интернал	0,524*
		МЧЖ раҳбари				Интернал	0,537*
3.	Ғилдирак тешилди	ҚК раҳбари				Интернал	0,579*
		ОАЖ / ЁАЖ раҳбари				Экстернал	0,399**
		МЧЖ раҳбари				Экстернал	0,617**
4.	Уйга кира олишмаяпти	ҚК раҳбари				Интернал	0,411**
		ОАЖ / ЁАЖ раҳбари				Интернал	0,424**
		МЧЖ раҳбари				Интернал	0,413**
5.	Хат ёзаяпти	ҚК раҳбари				Интернал	0,554*
		ОАЖ / ЁАЖ раҳбари				Экстернал	0,636**
		МЧЖ раҳбари				Экстернал	0,410**
6.	Телевизорни ўчирди	ҚК раҳбари				Интернал	0,458**
		ОАЖ / ЁАЖ раҳбари				Экстернал	0,541*
		МЧЖ раҳбари				Экстернал	0,507*
7.	Чанг артаяпти	ҚК раҳбари				Интернал	0,431**
		ОАЖ / ЁАЖ раҳбари				Экстернал	0,608**
		МЧЖ раҳбари				Интернал	0,403**
8.	Бақириб гапираяпти	ҚК раҳбари				Экстернал	0,430**
		ОАЖ / ЁАЖ раҳбари				Экстернал	0,485**
		МЧЖ раҳбари				Интернал	0,619**
9.	Ухлай олмаяпти	ҚК раҳбари				Экстернал	0,409**
		ОАЖ / ЁАЖ раҳбари				Экстернал	0,546*
		МЧЖ раҳбари				Интернал	0,607**
10.	Рақсга тушаяпти	ҚК раҳбари				Интернал	0,615**
		ОАЖ / ЁАЖ раҳбари				Экстернал	0,544*
		МЧЖ раҳбари				Экстернал	0,298**

Изоҳ: * $p \leq 0,05$ даражадаги боғлиқлиги – муҳим корреляциялар;

** $p \leq 0,01$ даражадаги боғлиқлиги – сезиларли корреляциялар.

«ВАС» сўровномаси бўйича қўлга киритилган натижалар (3-жадвалга қаранг) шуни намоён қиладики, тадбиркорларнинг вазиятнинг асосий сабаби сўровномаси ўртасидаги ўзаро алоқадор факторлар орасидаги корреляцион алоқалар ҚК гуруҳида «пул кам чиқиб қолди» шкаласи «санаганда пуллар бир бирига ёпишиб қолган» сабаби орасида сезиларли боғлиқликда ($r=0,484$, $p \leq 0,01$) ва интернал локус назоратдаги, «одам кулаяпти» шкаласи «кулгили

воқеа эсига тушган» сабаби орасида муҳим боғлиқликда ($r=0,512$, $p\leq 0,05$) ва интернал локус назоратдаги, «ғилдирак тешилди» шкаласи «шина эскириб қолган» сабаби орасида муҳим боғлиқликда ($r=0,579$, $p\leq 0,05$) ва интернал локус назоратдаги, «уйга кира олишмаяпти» шкаласи «калитни йўқотишган» сабаби орасида сезиларли боғлиқликда ($r=0,411$, $p\leq 0,01$) ва интернал локус назоратдаги, «хат ёзаяпти» шкаласи «кимнидир соғиниб қолган» сабаби орасида муҳим боғлиқликда ($r=0,554$, $p\leq 0,05$) ва интернал локус назоратдаги, «телевизорни ўчирди» шкаласи «жуда кеч бўлиб қолганди» сабаби орасида сезиларли боғлиқликда ($r=0,458$, $p\leq 0,01$) ва интернал локус назоратдаги, «чанг артаяпти» шкаласи «меҳмон кутишга тайёрланаяпти» сабаби орасида сезиларли боғлиқликда ($r=0,431$, $p\leq 0,01$) ва интернал локус назоратдаги, «бақириб гапираяпти» шкаласи «кимдир жаҳлини чиқарган» сабаби орасида сезиларли боғлиқликда ($r=0,430$, $p\leq 0,01$) ва экстернал локус назоратдаги, «ухлай олмаяпти» шкаласи «атрофда шовқин-сурон» сабаби орасида сезиларли боғлиқликда ($r=0,409$, $p\leq 0,01$) ва экстернал локус назоратдаги, «рақсга тушаяпти» шкаласи «рақс тушишни ўрганмоқчи» сабаби орасида сезиларли боғлиқликда ($r=0,615$, $p\leq 0,01$) ва интернал локус назоратдаги алоқаларга киришганлигини кўриш мумкин (3-жадвалга қаранг).



2-расм. Тадбиркорлик субъектлари фаолиятида локус назорати кўрсаткичи (n=372).

Натижаларни ижтимоий-психологик жиҳатдан таҳлил қиладиган бўлсак, ҚК гуруҳи синалувчилари тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш жараёнида интернал локус назорат типидида шахслар (80 фоиз вазиятда) сифатида гавдаланишар экан (2-расмга қаранг). Ушбу ёндашувлари орқали улар тадбиркорликда ва ҳаётларида рўй берган (ва рўй бериши мумкин бўлган) воқеа-ҳодисалар учун масъулиятни ўз зиммаларига олишлари, ҳолатни келтириб чиқарган сабабларни ўзларидан кидиришлари ҳақидаги ижтимоий тасаввурлари муҳим асос тарзида баҳоланади. Бу эса танланган тадбиркорлик турининг бозорда тутган мавқеига ҳам мос тушади ва синалувчи-тадбиркорларимизнинг ижтимоий етуклигидан далолат беради.

ОАЖ ва (ёки) ЁАЖ гуруҳида «пул кам чиқиб қолди» шкаласи «каергадир ортиқча ишлатилган» сабаби орасида муҳим боғлиқликда ($r=0,521$, $p\leq 0,05$) ва интернал локус назоратдаги, «одам кулаяпти» шкаласи

«кулгили воқеа эсига тушган» сабаби орасида муҳим боғлиқликда ($r=0,524$, $p\leq 0,05$) ва интернал локус назоратдаги, «ғилдирак тешилди» шкаласи «ёмон йўлдан юришган» сабаби орасида сезиларли боғлиқликда ($r=0,399$, $p\leq 0,01$) ва экстернал локус назоратдаги, «уйга кира олишмаяпти» шкаласи «калитни йўқотишган» сабаби орасида сезиларли боғлиқликда ($r=0,424$, $p\leq 0,01$) ва интернал локус назоратдаги, «хат ёзаяпти» шкаласи «чунки байрам нишонланаяпти» сабаби орасида сезиларли боғлиқликда ($r=0,636$, $p\leq 0,01$) ва экстернал локус назоратдаги, «телевизорни ўчирди» шкаласи «ҳеч қандай қизиқарли нарса йўқ эди» сабаби орасида муҳим боғлиқликда ($r=0,541$, $p\leq 0,05$) ва экстернал локус назоратдаги, «чанг артаяпти» шкаласи «кимдир шундай топшириқ берган» сабаби орасида сезиларли боғлиқликда ($r=0,608$, $p\leq 0,01$) ва экстернал локус назоратдаги, «бақириб гапираяпти» шкаласи «кимдир жаҳлини чиқарган» сабаби орасида сезиларли боғлиқликда ($r=0,485$, $p\leq 0,01$) ва экстернал локус назоратдаги, «ухлай олмаяпти» шкаласи «ухлашга ҳали жуда эрта» сабаби орасида муҳим боғлиқликда ($r=0,546$, $p\leq 0,05$) ва экстернал локус назоратдаги, «рақсга тушаяпти» шкаласи «бирор тадбирга репетиция қилаяпти» сабаби орасида муҳим боғлиқликда ($r=0,544$, $p\leq 0,05$) ва экстернал локус назоратдаги корреляцион алоқаларга киришганлигини гувоҳи бўлиш мумкин (3-жадвалга қаранг).

МЧЖ гуруҳида «пул кам чиқиб қолди» шкаласи «санаганда пуллар бир бирига ёпишиб қолган» ($r=0,419$, $p\leq 0,01$) ва интернал локус назоратдаги, «одам кулаяпти» шкаласи «кулгили воқеа эсига тушган» ($r=0,537$, $p\leq 0,05$) ва интернал локус назоратдаги, «ғилдирак тешилди» шкаласи «кимдир йўлга мих ташлаб кетган» ($r=0,617$, $p\leq 0,01$) ва экстернал локус назоратдаги, «уйга кира олишмаяпти» шкаласи «калитни йўқотишган» ($r=0,413$, $p\leq 0,01$) ва интернал локус назоратдаги, «хат ёзаяпти» шкаласи «кимнингдир хатига жавоб бераяпти» ($r=0,410$, $p\leq 0,01$) ва экстернал локус назоратдаги, «телевизорни ўчирди» шкаласи «ҳеч қандай қизиқарли нарса йўқ эди» ($r=0,507$, $p\leq 0,05$) ва экстернал локус назоратдаги, «чанг артаяпти» шкаласи «меҳмон кутишга тайёрланаяпти» ($r=0,403$, $p\leq 0,01$) ва интернал локус назоратдаги, «бақириб гапираяпти» шкаласи «баҳсда ғолиб чиқмоқчи» ($r=0,619$, $p\leq 0,01$) ва интернал локус назоратдаги, «ухлай олмаяпти» шкаласи «боши муаммога тўлиб кетган» ($r=0,607$, $p\leq 0,01$) ва интернал локус назоратдаги, «рақсга тушаяпти» шкаласи «рақсга таклиф этишган» ($r=0,298$, $p\leq 0,01$) ва экстернал локус назоратдаги корреляцион алоқаларга киришганлигини шоҳиди бўлиш мумкин (3-жадвалга қаранг).

Тадқиқот натижаларининг ижтимоий-психологик таҳлилини кўрсатишича, МЧЖ гуруҳи синалувчилари тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш жараёнида рақиб ва мижозлар билан муносабатга киришишларида ўзларини ҳам интернал (60 фоиз вазиятда) ҳам экстернал локус назорат типиди шахслар (40 фоиз вазиятда) сифатида гавдалантиришади (2-расмга қаранг). Бунда экстернал локус назоратни устуворликда тутган тадбиркорлар, одатда, фаолиятни амалга оширишда дуч келинган биринчи тўсиқдаёқ муҳим ҳаётий зарбани қабул қилиб олишади ҳамда бозор қонуниятларига кўра, таваккалчилик хусусиятларини деярли намоён қила олишмайди. Бу эса кичик

фойда ҳисобига бўлса ҳам товар ишлаб чиқаришда (сотишда) ва хизматларни кўрсатишда ёлгон омилини фаолиятга аралашувига сабаб бўлиб, масъулиятсизликка йўл қўйишади ҳамда 2-жадвал натижаларини айнан такрорлайди. Яъни, уларнинг тасаввурида монополиячилар, импорт қилувчилар, маълум тоифа тадбиркорларга алоҳида берилаётган имтиёзлар ҳамда давлатнинг аралашуви бундай мағлубиятнинг сабаби сифатида кўрилади. Шунингдек, интернал локус назорати тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш билан боғлиқ хатти-ҳаракатларда устуворликда аҳамият касб этадиган тадбиркор-синалувчиларимиз эса йўл қўйилган ҳар бир хатолик ва камчилик сабаб, кўрилган зарарни қоплаш борасида ёлгон омилдан умуман фойдаланишмайди. Бунинг ўрнига фаолиятни кўпроқ, талаб ва таклиф мутаносиблигидан келиб чиққан ҳолда қайта ташкил этишга ва жонлантиришга ҳаракат қилишиб, бозор муносабатларига киришаётган иштирокчилар ижтимоий тасаввурида алоҳида масъулият соҳиби ва соҳибаси сифатида гавдаланади.

Умуман олганда, ҳар уччала тоифа респондентларда эмоционал интеллект, яъни вазиятни ҳис қилиш, юмор ҳисини туюш билан боғлиқ ижтимоий тасавурларида бир хиллик кузатилади. Шунингдек, маҳаллий бозор конъюнктурасини ва инфратузилмасини ривожлантириш, такомиллаштириш билан боғлиқ қонунчилик ҳужжатларидаги ўзгаришларни қабул қилиш ҳамда фаолиятга татбиқ этиш борасидаги ижтимоий тасавурларида ўхшашлик мавжуд. Иқтисодий тафаккурдаги бундай ўхшашликнинг мавжудлиги борган сари тадбиркорларимиз иқтисодий онгида мамлакатимизда рационал иқтисодиёт кўламининг ошаётганлиги ва иррационал (соядаги) иқтисодиётни тобора барҳам топаётганлиги тўғрисидаги қарашларнинг улар иқтисодий хулқ-атворда барқарорлашиб, шахсий компетенцияларининг такомиллашиб бораётганлигидан далолат беради. Демак, тадқиқотимизда «ВАС – вазиятнинг асосий сабаби» сўровномаси орқали олинган асосий натижалар интерпретацияси С.Московичининг назариясига тўлақонли равишда мос келишини кўрсатиб, тадбиркорлик фаолиятидаги «ижтимоий тасавурлар» ҳодисасининг танланган тадбиркорлик тури контекстида тадбиркорнинг муваффақиятли иқтисодий ижтимоийлашувини тушунтиришда асос вазифасини бажаради.

Психологик тадқиқотларда тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш мотивациясига кўра, шартли равишда респондентларни уч гуруҳга ажратиш анъанаси шаклланган (масалан, З.Г. Ханова, 2009; И.В. Троицкая, 2010; Ш.М. Улуғова, 2011; А.Л. Журавлев, В.П. Позняков, 2012, ва бошқалар). Биз ҳам тадқиқот ишимизда ана шу классификациядан фойдаландик. Жумладан, 1) муваффақиятли (бозор иқтисодиёти шароитига муваффақиятли мослашган – юқори меҳнат унумдорлигига ва самарадорликнинг муҳим кўрсаткичига (Key Performance Indicators, KPI) эга ҳамда тадбиркорлик фаолиятидаги ижодий жараёндан қониқиш ҳосил қилувчи масъулиятли тадбиркорлар); 2) нисбатан муваффақиятли (ўзини ўзи банд қилиши ҳисобига бозор муносабатлари жараёнига қисман мослашган – юқори меҳнат унумдорлигига ва KPI га эга, лекин тадбиркорлик фаолияти жараёнидан қоникмайдиганлар);

**Фаолият самарадорлиги бўйича тадбиркорлар психикасидаги
устувор психологик хусусиятларнинг
қадриятларга боғлиқ кўрсаткичлари (n=372)**

№	Шахс йўналганлиги	Терминал қадриятлар									Инструментал қадриятлар								
		муваффақиятли тадбиркорлар			нисбатан муваффақиятли тадбиркорлар			муваффақиятсиз тадбиркорлар			муваффақиятли тадбиркорлар			нисбатан муваффақиятли тадбиркорлар			муваффақиятсиз тадбиркорлар		
		Анджон	Фарғона	Наманган	Анджон	Фарғона	Наманган	Анджон	Фарғона	Наманган	Анджон	Фарғона	Наманган	Анджон	Фарғона	Наманган	Анджон	Фарғона	Наманган
1.	Касбий жиҳатдан ўзини намоён қилиш ва иш фаолияти қадрияти (Кн)	7	2	3	14	13	18	3	2	2	8	7	6	18	12	11	2	1	1
2.	Шахс шаклланганлиги (ШШ)	6	4	3	5	8	9	2	1	1	3	2	2	9	6	5	5	4	5
3.	Оилавий ҳаёт (Ох)	5	2	4	5	4	7	3	1	1	2	1	3	9	7	3	1	1	2
4.	Шахслараро муносабатлар (ШМ)	12	15	11	11	11	8	2	1	2	25	22	15	28	19	24	3	1	1
5.	Альтруизм (Ал)	4	2	1	7	5	2	2	2	1	2	3	1	2	3	2	1	1	1
6.	Моддий муваффақият (Мм)	21	18	11	39	18	17	5	3	6	15	8	6	15	12	16	5	2	3
Жами		55	43	33	81	59	61	17	10	13	55	43	33	81	59	61	17	10	13
Ҳаммаси		131			201			40			131			201			40		

3) муваффақиятсиз (тадбиркорлик фаолиятига мослашмаган, меҳнат унумдорлиги) КРІ паст ҳамда фаолиятдан кам қониқиш ҳосил қиладиганлар) тадбиркорларга ажратиб таҳлил қилдик.

Шу ўринда биз, 372 нафар синалувчи билан ўтказилган М.Р. Рокичнинг «Қадриятларга йўналганлик методикаси» натижаларини юқоридаги классификацияда шартли равишда ажратилган – муваффақиятли (n=131), нисбатан муваффақиятли (n=201), муваффақиятсиз (n=40) тадбиркорлар гуруҳи контекстида таҳлил қилдик. Натижалар фаолият самарадорлиги бўйича тадбиркорлар психикасидаги устувор этнопсихологик хусусиятларнинг қадриятларга боғлиқ кўрсаткичлари асосида тизимлаштирилди (4-жадвалга қаранг).

Муваффақиятли тадбиркорлар гуруҳига мансуб (131 нафар) синалувчилар психикасидаги устувор психологик хусусиятларнинг улардаги терминал қадриятларга боғлиқлиги таҳлили шуни кўрсатадики, 50 нафар тадбиркорнинг фаолият мотивацияси «моддий муваффақият» сари йўналтирган бўлса, яна 38 нафариники эса «шахслараро муносабатлар» томон қаратилган. Шунингдек, ҳар уччала ҳудуд (Андижон, Фарғона, Наманган) тадбиркорлари психикасидаги устувор касб этган терминал қадриятлар орасида ижобий корреляцион боғлиқлик аниқланди. Масалан, андижонлик ва фарғоналик тадбиркорлар психикасидаги устуворликда бўлган, танлаган касбида ўзини ўзи намоён қилиши ва олиб бораётган тадбиркорлик фаолиятининг қадр-қиймати, ўзининг шахс сифатида шаклланиши, фаолиятида оилавий ҳаётининг тутган роли, жамиятдаги юқори даражали иқтисодий сегмент вакили сифатида ёру-дўстларига бўлган альтруизми ҳамда ушбулардан кейин ҳам кутиладиган моддий муваффақияти орасидаги корреляция боғлиқлик ижобий натижани қайд этади ($r=0,932$). Олинган натижаларга кўра, андижонлик ва наманганлик тадбиркорлар ($r=0,879$) ҳамда фарғоналик ва наманганлик тадбиркорлар ($r=0,964$) кўрсаткичлари ҳам ижобий алоқадорликни намоён қилади (5-жадвалга қаранг). Аниқланилишича, муваффақиятли тадбиркорларнинг бажараётган фаолиятларини қадрият сифатида улуғлаб, унда ўзларини касб эгаси сифатида намоён қилишларида шахслараро муносабатлар таъсири муҳим корреляция боғлиқлиги кўрсатади ($r=0,399$, $p \leq 0,05$), яъни «қалин» муносабатлар ўрнатиш бу тоифа синалувчиларнинг мақсадлари реестрида муҳим аҳамият касб этади. Шунингдек, синалувчилар хулқ-атворида устуворлик касб этувчи терминал қадриятлари реестридаги шахслараро муносабатлар теварак-атрофдаги кишиларга (хоҳ у рақобатчи, хоҳ у истеъмолчи бўлсин) нисбатан альтруизм ҳисини шакллантиришига асос бўлиб хизмат қилади. Буни биз муваффақиятли тадбиркорлар психикасидаги шахслараро муносабатлар ва альтруизм ўртасидаги муҳим корреляцион боғлиқликда ҳам кўришимиз мумкин ($r=0,481$, $p \leq 0,05$) (5-жадвалга қаранг).

Тадқиқотнинг кўрсатишича, муваффақиятли тадбиркорлар гуруҳига мансуб синалувчилар (n=131) шахсида етакчи ўринга эга бўлган детерминантларнинг биринчи гуруҳи уларнинг психикасида жараён сифатида устуворликни намоён этади. Сабаби фанда етакчи касбий фаолият

харакатида тез-тез учрайдиган аҳамиятли психик функциялар, жараёнлар, қобилиятлар ва уларнинг иштирокини таъминлаш тадбиркор психограммасини тузиш учун асос бўлиб хизмат қилади. Бу эса тадбиркорлардаги фаолиятни ташкил қилиш билан боғлиқ мотивацион хусусиятлари тизимини тушунтирувчи ўзи томонидан эришилган натижаларни баҳолаш олиш даражаси (0,984) респондентлардаги муваққат таассуротлар ва шартли рефлекслар кўламига боғлиқ экан, деган хулосани келтириб чиқаради.

5-жадвал

Терминал қадриятларга йўналганлик бўйича тадбиркорлар психикасидаги устувор хусусиятларнинг корреляцион боғлиқ кўрсаткичлари (n=372)

Шахс йўналганлиги	Кн	Шш	Ох	Шм	Ал	Мм
Касбий жиҳатдан ўзини намоён қилиш ва иш фаолияти қадрияти (Кн)	1					
Шахс шаклланганлиги (Шш)	0,920	1				
Оилавий ҳаёт (Ох)	0,898	0,999**	1			
Шахслараро муносабатлар (Шм)	0,399*	0,726	0,761	1		
Альтруизм (Ал)	0,996	0,952	0,935	0,481*	1	
Моддий муваффақият (Мм)	0,869	0,993	0,998**	0,800	0,911	1

Изоҳ: * $p \leq 0,05$ даражадаги боғланиш – муҳим корреляциялар;

** $p \leq 0,01$ даражадаги боғланиш – сезиларли корреляциялар

Тадбиркорлардаги ташқи белгиларга асосланган танишишга доир билимларнинг шаклланиши эса одатда билиш мотивининг (0,966) ва (ёки) тасаввурлари кучига таянади. Мазкур устуворлик ўз навбатида «ижтимоий тасаввурлар индивиднинг онгидаги когнитив белгилар билан хулқ-атвор ўртасида воситачи ролини бажаради», деган хулосани яна бир фандаги тасдиғини кўрсатади. Бозор ва ундаги муносабатлар ҳақида шаклланган илк тасвирлар мажмуаси эса тадбиркорлик фаолиятида кутилаётган натижалар даражасини (0,921) ифодалашга хизмат қилади. Чунки, интерпретацияси хилма-хил саналган «ноаниқ ҳолатдаги тасвирлар» тадбиркорлардаги муваффақиятга эришиш мотивациясини намоён қилувчи «частота»ларни ўлчашда кўл келиб, ҳисобланган «индекс» эса фаолиятдан кутилаётган ютуқ мотивининг миқдорий баҳоси сифатида кўрилади.

Тадқиқот кўрсаткичлари, тадбиркор фаолияти давомида эришган натижалари қонунийлигининг (0,844) мотивацион табиати, унинг ўзи томонидан яратилган «брэнд» ва «савдо белгиси»нинг таъсир кўламига, ишлаб чиқиладиган маҳсулот ва (ёки) кўрсатиладиган хизматларнинг бозордаги талаб ва таклифга бўлган узвийлиги, уйғунлигига бевосита боғлиқдир. Замонавий бозорда бундай образ (брэнд, савдо белгиси)

барқарорлиги, аввало, унинг рақобатбардошлигини (0,830) синовдан ўтказиб, турли ёш даврларига мансуб истеъмолчилар психикасидаги устувор кадриятлар, ўзлаштирилган билимлари таъсирида шаклланган ижтимоий тасаввурлари кўламига билвосита боғлиқдир. Бундан ижтимоий тасаввурлар ўз навбатида ҳар бир тадбиркорнинг ўз имкониятларини оқилона баҳолаш (0,778) ҳисобига, ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш сифатини яхшилаш бўйича умумийликдан хусусийликка ёки аксига йўналтирилган қарорларни қабул қилишга доир тушунчаларни шакллантиради. Ушбу тушунчалар асносида қабул қилинган қарор (баъзан таваккалчиликка асосланган «ҳукм») тадбиркорнинг фаолият соҳасидаги ирода кучини (0,751) яққол намоён қилади. Аниқланилишича, моддий муваффақият сари йўналган 50 нафар тадбиркорнинг бизнесда иродавий актни яққол намоён этишларида, улар ўз кучларини мақсад сари тўғри сафарбар қила олишаётганлиги (0,716) муҳим роль ўйнайди.

Бозор муносабатларига киришган ҳар бир тадбиркор ўз шахсий позициясига эга ҳисобланиб, танлаган соҳасига фаолиятли ёндашуви сабаб ўз олдига қўйган ва қўйишни режалаштирилган ҳар бир вазифа (топширик)нинг қийинлигини тизимлашган таҳлилини юритади, ўз талқини асосида ижтимоий тасавурида бизнес режасининг концепциясини яратади. Ушбу ҳолат ҳам тадбиркор психикасида устувор жараён сифатида яққол намоён бўлади (0,701). Одатда тизимлашган таҳлилга асосланувчи, тадбиркорнинг ижтимоий кутилма сифатидаги ўз талқини мантиқий фикрлаш, интеллектуал ёндашув сабаб ривожланиб, унинг тарихий генезиси сифатида қачонлардир «фаолиятни алмаштириш» (0,691) зарурлиги ҳақидаги қабул қилинган қарор ётади. Демак, тадбиркорлик фаолиятига хос бундай «қаттиқ малака»лар, ўз навбатида, ижтимоий-психологик механизм сифатида гавдаланиб, тадбиркорларга хос ижтимоий масъулиятни аниқлашнинг бевосита психологик ўлчов мезони бўлиб хизмат қилади.

Адабиётларда таъкидланганидек, меҳнат фаолияти ички мотивацион кучга эга бўлиб, бу ўз навбатида бошқа, индивидуал ва воқеликдаги мураккаб муносабатлар тизими билан ҳамоҳангдир. Шунингдек, ушбу тоифа синалувчилардаги биологик ва физиологик даражадаги содда таъсирланишлар ҳам тадбиркорларнинг ички мотивлари сабаб психикада акс этиб, бозор муносабатларига киришаётган вақтларида ҳолат устуворлиги яққол намоён қилишади (0,686). Одатда бундай барқарор ҳолат устуворлигига муваффақиятга эришиш мотивацияси сабаб бўлиб, эришилган ҳар бир ютуқ ва ғалаба қадри муҳим аҳамиятга эгадир. Яъни, ана шу кадрият ўтмишдаги «Мен», ҳозирдаги «Мен», бўлғуси «Мен», идеал «Мен», динамик «Мен» ёки ҳар бир тадбиркорнинг ўзлигини тўлақонли англашида (0,634) устувор ҳолат сифатида баҳоланиши мумкин. Демак, тадбиркорлик фаолиятига хос бундай «Мен» билан боғлиқ «юмшоқ компетенция»лар фаолиятни тартибга солувчи ижтимоий-психологик механизм сифатида баҳоланиб, тадбиркорларга хос ижтимоий масъулиятни шакллантирувчи муҳим психологик қонуниятларни аниқлаш жараёнида билвосита аҳамиятга эга.

Респондентлар психикасида ана шундай устуворлик касб этувчи психик жараён ва (ёки) ҳолат фаолиятга нисбатан ташаббускорликни (0,616) кучайтириб, креацияни, яъни бор ижодий қобилият ва истеъдодини тадбиркорликни ривожлантиришга йўналтиришга сабаб бўлади. Жамиятда тадбиркорлар учун яратилаётган шарт-шароитлар, муваффақиятли тадбиркорлар гуруҳини шакллантириб, ўзаро ҳурмат кўрсатиш ҳисобига келажак ғалабалар учун кафил саналган «антиципация» фазилатини (0,514) қарор топтиради ҳамда келажак фаолиятни креатив моделини яратишга асос бўлиб хизмат қилади. Фикримизча, муваффақиятли тадбиркордаги фаолият ва хулқ-атвори онгли бошқариш имкониятини берадиган бундай билимлар комплекси, яъни улардаги рефлексия қобилияти тадбиркорлар психикасида хусусият сифатида устуворликни намоён қилиб, ўлчов механизми бўлиб мағлубиятдан қочиш мотивацияси (0,444) хизмат қилади.

Умуман олганда ушбу натижалар тадбиркор психикасидаги етакчи ижтимоий-психологик детерминантлар мавжудлигини кўрсатиб, тадбиркорлик соҳасида касбий фаолиятни танлаган ҳар бир меҳнат эгасини фаолиятга мослашуви жараёнида асосий эътиборни уларнинг психикасида етакчи деб аниқланган мотивацион хусусиятлар тизимига қаратишни тақозо этади. Бундай мотивацион хусусиятлар тизими тадбиркорнинг умр давомида ўзлаштирган «қаттиқ малака»ларига бевосита ва «юмшоқ компетенция»ларига билвосита боғлиқдир, деган хулосани келтириб чиқаради. Бу ўз-ўзидан, тадбиркорлик фаолиятининг жамият социал-иқтисодий ривожланишида зарур детерминантлигини ифодалайди.

Диссертациянинг **«Шахслараро муносабатларда масъулиятнинг коммуникатив компетенцияларга боғлиқлигини оилавий қадриятларга асосланган тадбиркорлик фаолияти контекстида эмпирик ўрганиш»** деб номланган тўртинчи бобида тадбиркор шахсига хос тизимли-характериологик хусусиятлар ва коммуникатив компетентликнинг ижтимоий-психологик жиҳатлари, коммуникатив ва ташкилотчилик қобилиятларининг тадбиркор масъулияти шаклланишидаги аҳамияти ҳамда тадбиркор ва бозор муносабатлари иштирокчиларининг мулоқотга киришиш даражасини ижтимоий-психологик таҳлили баён этилган. Жумладан, тадқиқотда синалувчиларга В.В. Сиявский ва В.А. Федорошинларнинг В.М. Каримова томонидан маҳаллий муҳитга мослаштирилган «Коммуникатив ва ташкилотчилик қобилиятларини аниқлаш» (КОС-2) методикаси билан мурожаат қилинди. Мазкур методика натижалари бизга тадбиркорларнинг коммуникатив компетенциялар блокига тааллуқли сифатлар, теварак-атрофдагилар билан ишчанлик мулоқотини ўрната билиш ва бунда ташаббускорликни намоён қила олиш даражаларини тушунтиришда қўл келди (6-жадвалга қаранг).

ҚК раҳбарларида коммуникатив ва ташкилотчилик қобилиятларининг намоён бўлиши кўрсаткичларини таҳлиliga кўра, синалувчиларнинг 12 фоизи коммуникатив ва 10 фоизи ташкилий фаолиятга мойилликларининг жуда паст даражада намоён қилишди. ОАЖ/ЁАЖ раҳбарларида эса бу кўрсаткич мос равишда 1,4 фоиз ва 1,4 фоизни ташкил этди. Иккинчи тоифа

синалувчиларимиз орасидан фақат бир нафарида коммуникатив ва ташкилотчилик қобилиятларининг паст даражада намоён бўлишини, одатда тадбиркорлик субъектининг турига, яъни ҳиссадорлик асосида ташкил этилган корхонада йўлга қўйилган «ТИҒИЗ» муносабатлар орқали тушунтириш мумкин. Сабаби, ҳар бир қабул қилинадиган қарор кўпчиликнинг танлови асосида бўлиши, синалувчи фаолиятидаги хатоликларни камайтиради.

6-жадвал

Қўшма корхона раҳбарларида коммуникатив ва ташкилотчилик қобилиятларининг намоён бўлиши ва улар ўртасидаги корреляция кўрсаткичлари (К.Пирсоннинг корреляция коэффиценти бўйича; n=50)

№	К	Баҳо	Коммуникатив қобилиятни намоён бўлиш даражаси		r _p
1.	0,10–0,45	1	паст	6/12,0	
2.	0,46–0,55	2	ўртачадан паст	2/4,0	
3.	0,56–0,65	3	ўртача	15/30,0	
4.	0,66–0,75	4	юқори	15/30,0	
5.	0,76–1,00	5	жуда юқори	12/24,0	
№	К	Баҳо	Ташкилотчилик қобилиятини намоён бўлиш даражаси		
1.	0,20–0,55	1	паст	5/10,0	
2.	0,56–0,65	2	ўртачадан паст	1/2,0	
3.	0,66–0,70	3	ўртача	3/6,0	
4.	0,71–0,80	4	юқори	31/62,0	
5.	0,81–1,00	5	жуда юқори	10/20,0	

Манба: муаллиф тадқиқотлари.

ҚК да фаолият юритаётган 4 фоиз синалувчида тадбиркорлик фаолиятида муҳим саналган коммуникатив қобилият ва 2 фоиз респондентда ташкилий майлларнинг ривожланиши ўртача даражадан паст даражада эканлиги аниқланди. Акциядорлик жамиятида меҳнат қилаётган тадбиркор-респондентларимизда бу кўрсаткич – мос равишда – 7,0 фоиз ва 11,1 фоизни ташкил қилди. Ушбу кўрсаткич, биринчи навбатда, респондентларнинг танланган тадбиркорлик фаолияти контекстида мулоқотга киришиш мотивациясининг кучини ҳамда эмоционал интеллекти даражасининг пастлигидан далолат беради. Иккинчидан, бу ҳолат синалувчиларнинг фаолиятни ташкил этишда тайм-менежментга амал қилиш даражасини кескин пасайтириб, харидор ва мижозлар билан алоқа ўрнатишларида қийинчилик туғдиради. Учинчидан эса, натижалар, синалувчиларда танланган фаолиятда ташаббускорликнинг паст даражада намоён бўлишини кўрсатиб, бу ўз навбатида, тадбиркорда муҳим бошқарув қарорларини қабул қилишда журъат етишмаслигига сабаб бўлади.

30 фоиз ҚК да фаолият юритаётган тадбиркор-синалувчида коммуникатив ва яна 6 фоизда ташкилий мойилликларнинг ўртача намоён бўлиш даражаси характерли экан. Акциядорлик жамиятларида фаолият кўрсатаётган тадбиркор-респондентларимизда мос равишда бу кўрсаткич 31,9 фоиз ва 18,0 фоизни ташкил қилди. Аниқланилишича, ушбу

синалувчиларнинг бозор муносабатлари субъектлари билан шахслараро мулоқотга киришиш кўлами ўртача бўлиб, улар танланган тадбиркорлик фаолияти соҳасида доимий мижоз(харидор)лари доирасини камдан-кам ўзгартиришади. Ташкилотчилик маданиятининг ўртача даражада эканлиги, айниқса, муҳим қарорларни қабул қилишда иқтисодий саводхонлиги панд беради. Буни биз одатда тадбиркорлик фаолиятини стратегик режалаштириш билан боғлиқ ҳиссадорлар йиғилишларида кузатишимиз мумкин. Ўз навбатида, бундай натижа билан – «тадбиркор» – ҳиссадорлар олдида иқтисодий «салоҳияти»ни паст даражада намоён қилиб, унинг иқтисодий хулқ-атвори бозордаги ўзгаришлар таъсирига тез тушиб қолишга мойиллигидан далолат беради. Фикримизча, ушбу тоифа синалувчиларнинг иқтисодий хулқида акс этадиган коммуникатив ва ташкилотчилик қобилиятларини шакллантириш (такомиллаштириш) бўйича тизимли психокоррекция дастурлар ишлаб чиқилиши мақсадга мувофиқдир.

Айниқса улар жамоадагилар меҳнатини қадрлаш, ҳиссадорлар билан муомала қилиш қобилияти ва зарур ҳолларда (ўзгаришларни бошқариш вақтида) ҳар доим оқимга қарши тура олишиб, масъулият ва шахсий жавобгарликда намуна бўла олишади. Бу эса уларнинг том маънода тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш ва уни бошқаришда қўл келадиган «лидер балогардон» деб номланувчи позициясини мустаҳкамланишига асос бўлиб хизмат қилади.

Умуман олганда, изланишларимизда қўлга киритилган натижалар Т.М. Ньюкомб томонидан таклиф этилган назарияга мос келиб, танланган тадбиркорлик фаолиятида мулоқотнинг ижтимоий ролини яна бир бор ижтимоий аҳамиятини кўрсатиб беради. Бу эса турли тоифали синалувчилар гуруҳига хос ўзаро муносабатларда симметрияга эришиш орқали ижтимоий мувозанат ва ижтимоий тизимдаги барқарорликни сақлаш мумкин деган хулосани келтириб чиқаради.

ХУЛОСА

Тадбиркорлик фаолиятида шахслараро муносабатларга оид масъулиятни оширишнинг ижтимоий-психологик детерминантларини аниқлашга қаратилган мазкур диссертация ишининг назарий-эмпирик таҳлиллари қуйидаги хулосаларни илгари суриш имкониятини берди:

1. Тадбиркорлик фаолиятига хос «қаттиқ малакалар» ва «юмшоқ компетенциялар»ни кластерланиши тадбиркорларга хос ижтимоий масъулиятни аниқлашнинг психологик қонуниятларини, ўлчов мезонларини ҳамда шахслараро муносабатларга оид масъулиятни оширишнинг ижтимоий-психологик механизмларини такомиллаштириш имкониятини беради ва ушбу ҳолат тадбиркорнинг жамиятдаги муайян касбий фаолият эгаси сифатида ўз зиммасига юклатилган вазифаларни самарали бажаришга онгли равишда тайёр бўлишига хизмат қилади.

2. Тадбиркорликда «креация», «антиципация», «рефлексия» хусусиятларининг ривожланишига «крауд-сорсинг» ва «ко-креациялар»

усуллари орқали таъсири натижасида тадбиркорларнинг «ишлаб чиқариш калити», «фаолият индикаторлари», «KPI» даражаларини кўтарилиши асослаб берилган.

3. Тадбиркорлик фаолиятда рўй берган ва содир бўлиш мумкин бўлган воқеа-ходисалар учун масъулиятни ўз зиммаларидан соқит қилишадиган, вазиятни келтириб чиқарган омилларни ташқаридан қидиришадиган тадбиркорларда энг муҳим паллада фидойилик «акмеси»ни етишмаслиги, ташаббускорликнинг чекланганлиги хос бўлиб, экстернал локус назоратни устуворликда кўрадиган шахслар тоифасига мансуб эканлиги билан характерланади.

4. Кичик ва ўрта бизнес олами вакиллари муваффақиятли, нисбатан муваффақиятсиз тадбиркор даражаларига дифференциялаштириш тадбиркорлик фаолияти муносабатларида муомала доирасининг кенгайишига хизмат қилиб, фаолиятни янги йўлга қўяётган тадбиркорлар жамиятда қабул қилинган иқтисодий хулқ-атвор меъёрларини ўзлаштириш жараёнини тезлаштиради. Шунингдек, тадбиркорлар иқтисодий хулқ-атворида доминанта саналувчи «эгоизм»ни Ватан равнақи ва жамият ривожидан сари йўналтирилган «альтруизм» ҳиси ва масъулиятини коррекциялашга ёрдам беради.

5. Тадбиркорлик соҳасини танлаган ҳар бир шахснинг фаолиятга муваффақиятли мослашуви уларнинг психикасида етакчи деб аниқланган мотивацион хусусиятлар тизимининг ўзлаштирган «қаттиқ малака»ларига бевосита ва «юмшоқ компетенция»ларига билвосита боғлиқлигини кўрсатади ҳамда социал-иқтисодий ривожланишда зарур детерминантлигини ифодалайди. Ўзига хос бундай кластерланишда мулоқотнинг «А–В–Х–тизими» ижтимоий-психологик моделини асоси сифатида олиш мумкин.

6. Тадбиркорда иқтисодий ролларни трансформацияланиши билан боғлиқ «силлогизм» (оддий), «индукция» (умумий), «дедукция» (хусусий) тафаккур шакллари намоён бўлиши «келажак-Мен» ва «динамик-Мен»нинг ментал хусусиятларини адаптив ривожланишига олиб келиши исботланган.

7. Бозордаги носоғлом рақобат муҳити, монопол тадбиркорлик субъектларига берилган имтиёзлар тадбиркорлик субъектининг инқирозга юз тутмаслиги, «банкрот» бўлмаслиги «мақсадли» иқтисодий тафаккурнинг эмоционал-когнитив қадриятларини номутаносиб ривожланганлигига ҳамда «психологик масъулият ва маданият»ни мужассамлаштирган социал компетенцияларни шакллантиришга муҳимлиги кузатилган.

8. Тадбиркорлик фаолияти контекстида тадбиркор шахси характерининг ўзига хос хусусиятлари, биринчидан, аниқ ва барқарор индивидуал хусусият эканлигида, иккинчидан, хулқ-атвор ва унинг танланган тадбиркорлик фаолияти мазмунини белгилашда, учинчидан, муайян ўзгаришлар вақтида эмоционал тарзда жавоб бериши, яъни теваарак-атрофдаги воқеликка муносабатида намоён бўлади.

Тадқиқот ишимиз натижаларидан келиб чиқиб, тадбиркорлик фаолияти мотивациясига оид билимлар шакли ва турининг шахс психикасидаги

устуворлиги асносида шахслараро муносабатларга оид масъулиятни ошириш учун қуйидаги **тавсияларга** амал қилишни таклиф этамиз:

биринчидан, ҳар қандай биологик ва физиологик даражадаги содда таъсирланишлар ички мотив ва ундовлар сабаблар натижасида юзага келиб, тадбиркор психикасида олиб бораётган фаолиятига нисбатан ҳолат сифатида устуворликни намоён этади. Бу эса, ўз навбатида, «муваффақиятсиз» тадбиркорлар гуруҳига мансуб тадбиркор ўз фаолиятини тизимли равишда танқидий таҳлил қилиб, айнан мотивацион хусусиятлар тизимини қайта ислоҳ этиш заруратини кўрсатади;

иккинчидан, тадбиркорлик фаолиятини бошлашдан «аввалги Мен» ва муваффақиятга эришилган ҳолатдаги «ҳозирги Мен»ни англаш ҳам қўлга киритилган ютуқларнинг қадрланиши мотиви сабабли юзага келиб, тадбиркор психикасида олиб бораётган фаолиятига нисбатан ҳолат сифатида устуворликни намоён этади. Бундай ҳол «муваффақиятли» тадбиркорлар гуруҳига мансуб тадбиркордан ўз фаолиятини мунтазам равишда танқидий таҳлил қилиб, шахсий компетенциялар барқарорлигини таъминлаш ҳисобига стратегик «келажак Мен» ва рақобатбардош «динамик Мен» образини яратиши заруратини келтириб чиқаради;

учинчидан, фаолиятга нисбатан креациянинг йўқлиги ташаббускорликни етишмаслиги сабабли юзага келиб, тадбиркор психикасида олиб бораётган фаолиятига нисбатан хусусият устуворлигини намоён қилади. Бундай ҳолда «муваффақиятсиз» тадбиркорлар гуруҳига мансуб тадбиркор ўз брендини яратишда «Бизнесни даволаш» курсларига ва (ёки) «крауд-сорсинг» ва «ко-креациялар» усулларини фаолиятига татбиқ этиш учун бизнес тренерларга мурожаат қилиши зарур бўлади;

тўртинчидан, тадбиркорлик фаолияти ва ўз бренди моделини олдиндан яратишга сабаб ҳисобланадиган шахс фазилати, яъни антиципациянинг, мавжудлиги, тадбиркор психикасида ўз фаолиятига нисбатан хусусият устуворлигини яққол намоён қилади. Бу эса, ўз навбатида, «муваффақиятли» тадбиркорлар гуруҳига мансуб тадбиркор ўз фаолиятини мунтазам равишда талаб ва таклиф мутаносиблигида ташкил этишини ҳамда касбий компетенциялар барқарорлигини таъминлаш орқали ўзини ҳурмат қилиш мотивига асосланувчи «идеал Мен» образини ижобий «PR» қилишини тақозо қилади.

**РАЗОВЫЙ НАУЧНЫЙ СОВЕТ НА ОСНОВЕ НАУЧНОГО
СОВЕТА PhD.21/30.10.2020. Ped/S.127.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЁНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ НАУЧНО-ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКОМ
ИНСТИТУТЕ «МАХАЛЛЯ И СЕМЬЯ»**

АНДИЖАНСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ

ХАЛИМОВА МАШРАБОЙ ВАХИДОВНА

**СОЦИАЛЬНО-ПСИХОЛОГИЧЕСКИЕ ДЕТЕРМИНАНТЫ
ПОВЫШЕНИЯ ОТВЕТСТВЕННОСТИ МЕЖЛИЧНОСТНЫХ
ОТНОШЕНИЙ В ПРЕДПРИНИМАТЕЛЬСКОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ**

19.00.05 – Социальная психология. Этнопсихология.

**АВТОРЕФЕРАТ
диссертации доктора (DSc) психологических наук**

Ташкент – 2022

Тема диссертации доктора (DSc) психологических наук зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан под номером B2022.2.DSc/P32.

Диссертация выполнена в Андижанском государственном университете.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский) размещен на веб-странице научного совета (www.psi-ik.uz) и информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.zivonet.uz).

Научный консультант:

Сафаев Нуриддин Салихович

доктор психологических наук, профессор

Официальные оппоненты:

Умаров Бахриддин Менгбоевич

доктор психологических наук, профессор

Абдурасулов Рустам Абдураимович

доктор психологических наук, доцент

Умаров Илхом Юлдашевич

доктор экономических наук, доцент

Ведущая организация:

Каршинский государственный университет

Защита диссертации состоится «__» _____ 2022 года в __ часов на заседании Разового Научного совета на основе Научного совета PhD 21/30.10.2020.Ped/S 127.01 по присуждению учёных степеней при Научно-исследовательском институте «Махалля и семья». Адрес: 100000, город Ташкент, Мирабадский район, улица Истикбол, дом 15. Тел.: (71) 203-01-21 факс: (71) 267-03-92; e-mail: mvaointi@exat.uz, mvaointi@gmail.com).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Научно-исследовательского института «Махалля и семья» (регистрационный номер _____). (Адрес: 100000, город Ташкент, Мирабадский район, улица Истикбол, дом 15. Тел.: (71) 203-01-21, факс: (71) 267-03-92).

Автореферат диссертации разослан «__» _____ 2022 года
(протокол реестра __ от «__» _____ 2022 года).

Н.М. Эгамбердиева

Председатель Разового Научного совета на основе Научного совета по присуждению учёных степеней, доктор педагогических наук, профессор

Х.У. Абдусаматов

Учёный секретарь Разового Научного совета на основе Научного совета по присуждению учёных степеней, доктор философии (PhD) по психологическим наукам, доцент

О.Э.Хайитов

Председатель Разового Научного семинара при Разовом Научном совете на основе Научного совета по присуждению учёных степеней, доктор психологических наук, профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора наук (DSc))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В мире совершенствуются социально-психологические механизмы, направленные на развитие предпринимательской деятельности, правильное использование ресурсов личности в предпринимательстве, формирование личностных и профессиональных компетенций предпринимателя, а также повышение чувства ответственности в предпринимательстве. Организацией Объединённых Наций основной целью в «Программе стабильного развития» определено «повышение и совершенствование инфраструктуры для экономического развития и поддержки благосостояния человека, а также развитие инклюзивной и стабильной индустриализации, увеличение в предпринимательской деятельности исследований, современных технологий и инноваций»⁶. В связи с этим остаются актуальными проблемы изучения психологических детерминант личности в предпринимательской деятельности, профилактики депрессии в кризисных ситуациях, формирования у личности механизмов психологической защиты от внешнего влияния для сохранения устойчивости предпринимательства.

В реализуемых в мире научных исследованиях уделяется особое внимание научным исследованиям по психологическим особенностям личности в предпринимательской деятельности, коммуникативности, поведению и знаниям, связанным с предпринимательством, у адресата общения в межличностных отношениях. В связи с этим становится актуальной проблемой изучение с социально-психологической точки зрения адресата общения в межличностных отношений в предпринимательской деятельности, диагностика и коррекция проблем, связанных с поведением и ценностями во взаимоотношениях предпринимателя и потребителя, формирование квалификаций предпринимательства, формирование оптимальной комбинации индивидуальных действий в предпринимательстве, последовательность бизнес-идей, адаптация к предпринимательству, повышение ответственности в межличностных отношениях.

За последние годы в нашей республике созданы нормативно-правовые основы по развитию малого бизнеса и частного предпринимательства, ещё более широкому привлечению населения к предпринимательской деятельности, реализации частной трудовой деятельности. В качестве основной задачи определено «совершенствование системы вовлечения населения в предпринимательство, вовлечение в предпринимательство молодёжи и женщин, внедрение системы обучения, направленной на формирование у населения необходимых навыков в сфере предпринимательства»⁷. В связи с этим считается важным углубление научных исследований и создание новых теоретических решений по регулированию ответственности предпринима-

⁶ <https://www.peace-ed-campaign.org/>

⁷ Постановление Президента Республики Узбекистан от 13 октября 2020 года №ПП-4862 «О дополнительных мерах по совершенствованию системы вовлечения населения в предпринимательство и развитию предпринимательства».

теля в экономических, политических, правовых и межличностных отношениях.

Данное диссертационное исследование в определенной мере служит реализации широкомасштабных стратегических мер, намеченных в Указах Президента Республики Узбекистан от 28 января 2022 года №УП-60 «О Стратегии развития Нового Узбекистана на 2022-2026 годы», от 20 апреля 2021 года №УП-6208 «О дополнительных мерах по поддержке предпринимательской деятельности, содействию занятости, социальной защите и содержательной организации свободного времени молодежи», постановлениях Президента Республики Узбекистан от 21 апреля 2021 года №ПП-5088 «О мерах по организации деятельности молодежных промышленных и предпринимательских зон, а также поддержке предпринимательских инициатив молодежи», от 13 октября 2020 года №ПП-4862 «О дополнительных мерах по совершенствованию системы вовлечения населения в предпринимательство и развитию предпринимательства», от 8 июня 2020 года №ПП-4742 «О мерах по упрощению государственного регулирования предпринимательской деятельности и самозанятости», а также других нормативно-правовых документах, относящихся к предпринимательской деятельности.

Соответствие исследования с приоритетными направлениями развития науки и технологий республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий республики I. «Формирование системы инновационных идей социального, правового, экономического, культурного, духовно-просветительского развития демократического общества и правового государства, и пути их реализации».

Обзор зарубежных научных исследований по теме диссертации⁸. В ведущих образовательных организациях и научных центрах мира проводятся научные исследования, направленные на правильное формирование межличностных отношений в деятельности субъектов предпринимательства, развитие современной предпринимательской деятельности, в частности, такими организациями, как Международная Конфедерация развития экономики поведения и экономической психологии (Израиль), Международная Ассоциация исследования экономической психологии (Великобритания), Администрация малого бизнеса при Президенте США (США), Агентство малого бизнеса и предпринимательства (Япония), Национальный Совет по развитию предпринимательства (Венгрия),

⁸ В таких ведущих научных центрах и специализированных государственных органах мира, как «International Confederation for the Advancement of Behavioral Economics and Economic Psychology» в Израиле (<http://www.iarep.org/ICABEEP.htm>), «International Association for Research in Economic Psychology» в Великобритании (<https://www.iarep.org>), «Small Business Administration» в США (<https://www.sba.gov/search?q=psychology>), «Small and Medium Enterprise Agency» в Японии (https://www.chusho.meti.go.jp/sme_english/index.html), «National Council for Sustainable Development» в Венгрии (<https://www.nfft.hu>), «European Office of Crafts, Trades and Small and Medium-sized Enterprises for Standardisation» в Бельгии (https://ec.europa.eu/growth/smes_en), «European Association of Work and Organizational Psychology» в Нидерландах (<http://www.eawop.org>) проведены научные исследования и созданы разработки по теме диссертации.

Европейское Бюро стандартизации ремесленничества, торговли, малых и средних предприятий (Бельгия), Европейская Ассоциация трудовой и организационной психологии (Нидерланды).

На основе исследований, проведённых в мире по формированию межличностных отношений в деятельности субъектов предпринимательства, получены следующие результаты: созданы психодиагностические методы, оценивающие поведение производителей и потребителей (ICABEEP, Израиль); разработаны имитационные модели, определяющие значение межличностных отношений в экономико-психологических событиях различного уровня (IAREP, Великобритания); усовершенствована система правовых основ отношений между субъектами предпринимательства, производителями и потребителями в условиях пандемии (SBA, США); усовершенствована система психодиагностических методик, корректирующих конфликты, связанные с поведением и ценностями (SMEA, Япония); разработана концепция, обосновывающая социально-психологические детерминанты повышения ответственности к межличностным отношениям в предпринимательской деятельности (NCSD, Венгрия); усовершенствованы требования профессиональных должностных квалификаций и национальных квалификаций предпринимателей, осуществляющих деятельность в ремесленничестве, торговле, малых и средних предприятиях (SMEs and standardisation in Europe, Бельгия); на основе трудовых функций и стандартов поведения участников рынка создана модель личностных компетенций современного предпринимателя (EAWOP, Нидерланды).

В мире научные исследования по повышению ответственности к межличностным отношениям в предпринимательской деятельности проводятся по следующим направлениям: повышение ответственности к личности предпринимателя и развитие межличностных отношений; внедрение психологических механизмов совершенствования способности инновационного управления предпринимателя; совершенствование организации предпринимательской деятельности и мониторинга оценки её качества на основе цифровых технологий; внедрение организационных, экономических и психологических механизмов формирования репутации субъектов предпринимательства на национальном и международных рынках.

Степень изученности проблемы. Зарубежными и отечественными учёными проводится множество исследований по эффективному налаживанию предпринимательской деятельности, рациональному использованию человеческого ресурса в предпринимательстве, а также выявлению места личностного фактора.

В Узбекистане такими учёными, как Ш.Р.Баротов, А.У.Елмуротова, В.М.Каримова, Л.И.Каримова, Г.О.Очилова, Д.Х.Сафаров, Ш.М.Улугова, Н.Ш.Умарова, О.Э.Хайитов, Ш.С.Шойимова, П.С.Эргашев⁹, проводились

⁹ Каримова В.М. Ижтимоий психология: Дарслик. – Т.: «Иқтисодиёт», 2012. – 196 б. Баротов Ш.Р. Психологик хизмат. Магистрлар учун дарслик. – Т.: Наврўз нашриёти, 2018. – 346 б. Эргашев П.С. Симметрия хисси феноменологик таҳлили, диагностикаси ва коррекцияси: Психол. фан. д-ри (DSc)... дис. автореферати: 19.00.01. – Т.: ЎзМУ, 2018. – 63 б. Хайитов О.Э. Тадбиркорлик фаолияти мотивациясининг ижтимоий-психологик хусусиятлари: Психол. фан. ном. ... дис.: 19.00.05. – Т.: ТошДУ, 2005. – 146 б. Шойимова Ш.С. Тадбиркор ўзбек аёллари шахсининг ижтимоий-психологик хусусиятлари: Психол. фан. номзоди дис.: 19.00.05. – Т.: ЎзМУ,

научные изыскания по таким вопросам, как мотивация предпринимательской деятельности, портрет узбеккой женщины-предпринимателя, адаптация женщин к рыночной экономике, психология женщины-надомницы, мотивация к предпринимательству у молодёжи, отношение личности к рекламе, система экономических отношений личности и отношения диады продавец – покупатель. Анализ показывает, что детерминанты личности по повышению ответственности к межличностным отношениям в предпринимательской деятельности не изучены как проблема.

